

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

***ҚОРИЕВА Х.И., МАЛИКОВА Р.Р., УРИНОВА М.,
ОМОНОВА Г.Р.***

**ФАВҚУЛОТДА ВАЗИЯТДА ФУҚАРО
МУҲОФАЗАСИ**

Самарқанд – 2007

ҚОРИЕВА Х.И., МАЛИКОВА Р.Р., УРИНОВА М., ОМОНОВА Г.Р.
ФАВҚУЛОТДА ВАЗИЯТДА ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ. – Самаръанд:
СамДУ нашри, 2007. 65 бет.

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган дастлабки йилларданок энг муҳим вазифалар қаторидан мамлакат аҳолиси ва ҳудудини турли хил ғавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш масалалари ўрин олди. Республикамиз Президенти Ислон Каримов «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида таъкидланганидек: «Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган». Ватанимизнинг яхлитлиги, аҳоли хавфсизлиги таҳдиди тўғрисида Президентимиз «Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда» асарида ҳам батафсил тўхтаб ўтганлар.

ХХ аср поёнида ва ХХІ аср бошида хавфсиз ҳаётни таъминлаш масалалари энг долзарб муоммага айланиб қолди, чунки ишлаб чиқариш жараёнининг мисли кўрилмаган юксак тараққий этган технологиялар билан таъминланиши, табиий ривожланишдаги айрим нохуш вазиятларнинг мураккаблашуви аҳоли саломатлиги, атроф-муҳит тозалиги ва иқтисоднинг барқарор ривожланишига таҳдид солиб турибди.

Сиёсий қарашларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин қуроллари ва ҳужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги даврдаги фуқаролар муҳофазаси-янги ижтимоий, иқтисодий зарурат асосида ташкил топган. Яъни мустақил Ўзбекистонни ва фуқароларини турли кўринишдаги фалокатлардан ва ҳалокатлардан сақлаш руҳида тарбиялаш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири.

Олий ўқув юртларида талабаларни фуқаролар муҳофаза ўқитишдан асосий мақсад бўлажак мутахассисларни ғавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллашга ҳамда ҳарбийлашмаган тизим бошлиқлари лавозимида иш тутишга ўргатишдан иборат.

Айни вақтда, аҳоли ва ҳудудларни турли ғавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишдек хайрли ишда кенг жамоатчиликнинг ҳам «хуқуқий, сиёсий, экологик хавфсизлик маданияти» юксак бўлишига хизмат қилади.

КИРИШ

Замонавий ҳаёт тарзи, ишлаб чиқариш ва юқори даражада механизациялашган турмуш шароитида табиий офатлар оқибатида кўп ҳолларда жароҳатлар қурбонлар, сезиларли даражадаги, моддий йўқотишлар ва атроф-муҳитнинг талофат кўришига сабаб бўлувчи турли хусусиятдаги фавқулодда вазиятлар юзага келади.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва ҳудудларни юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш миллий хавфсизликнинг таркибий қисми бўлиб, ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятининг истиқболли ривожланишининг муҳим шarti ҳисобланади.

Вақт ва моддий-техник воситалар чекланган шароитда аҳолининг барча қатламларини (мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, ўрта умумтаълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари ва уларнинг жамоалари, иш билан банд ва ишламайдиган аҳоли) ўзини ва атрофни ҳимоя қилишга, фаолият хавфсизлигини таъминлашга ўргатиш тизимини ташкил этиш биринчи ўринга чиқади.

Шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш учун республикада табиий ва техноген таҳдидлардан ҳимояланишда ҳар бир кишининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи қонунчилик базаси амал қилади.

Аҳолининг барча тоифаларини ўқитиш бўйича мақсадли дастур (кейинги ўринларда - дастур) ўз-ўзини ҳимоя қилиш ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси, аҳолининг барча қатламлари фаолияти хавфсизлигини таъминлаш соҳасида зарур билим ва кўникмаларни беришни назарда тутди.

Мазкур дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 январдаги кўрсатмаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 февралдаги 38-Ф сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Фавқулодда вазиятлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари мутахассислари томонидан тайёрланган.

ДАСТУРНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, табиий ва техноген фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва улар содир бўлганда оқибатларини тезкор бартараф этиш, мураккаб шароитларда мувофиқ қарор қабул қила олиш ва ҳаракатланишнинг уддасидан чиқиш аҳоли ва ҳудудни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг бирмунча самарали чора-тадбирлари бўлиб ҳисобланади.

Шу муносабат билан аҳолининг барча гуруҳларини табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар шароитида ўз хавфсизлигини таъминлашга ўргатиш ва тайёрлаш муаммосининг долзарблиги шубҳасиздир.

ДАСТУРНИНГ АСОСИЙ МАҚ-САДЛАРИ ҚУЙИДАГИЛАР:

- эҳтимоли мавжуд табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларга нисбатан аҳолининг барча қатламлари хавфсизлигини ошириш;
- жамиятдаги ҳар бир киши ҳаёт фаолиятининг хавфсиз шароитини таъминлаш;
- аҳолини фавқулодда вазиятлар шароитида тўғри қарор қабул қилиш ва ҳаракатланишга ўргатиш ҳамда кўникмаларини сингдириш.

ДАСТУРНИНГ АСОСИЙ ВА-ЗИФАЛАРИ ҚУЙИДАГИЛАР:

- аҳолининг барча қатламларини фавқулодда вазиятларда ҳаракатланишга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;
- мавжуд вазиятни баҳолай олиш ва юзага келган хавф-хатар чоғида тўғри ҳаракатлана олиш кўникмасини шакллантириш учун шароит яратиш;
- ўз-ўзини ҳимоя қилиш ҳамда зарар кўрганларга ёрдам бера олиш ва ҳоказо.

Бунда ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашнинг асосий тамойиллари қуйидагилар ҳисобланади:

- қонунийлик;
- шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари мутаносиблигига риоя этиш;
- ўзаро жавобгарлик ва ўзаро ёрдам.

I. ТАБИЙ ВА ТЕХНОГЕН ХУСУСИЯТЛИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юқори даражали табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар эҳтимоли сақланиб қолмокда. Бу, ўз навбатида уларни башорат қилиш, мониторингини олиб бориш, огоҳлантириш ва бартараф этиш учун катта куч ва моддий харажатларни талаб қилади.

1. ЮЗАГА КЕЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ТАБИЙ ХУСУСИЯТЛИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг геологик-географик ўзига хослиги табиий хусусиятдаги турли фавқулодда вазиятларнинг рўй бериш эҳтимолини юзага келтиради. Хавфли табиий жараёнлар (зилзила, ер чўкиши, селлар, ўпирилиш, геологик емирилиш (карст), ер ости сувларининг кўтарилиши, сув сизиб чиқиши (суффозия ва ҳоказо) республика ҳудудида фаол ривожланаяпти. Уларнинг аҳоли пунктлари, саноат-фуқаро объектлари, дам олиш ҳудудлари, автойўллар ва каналларнинг алоҳида қисмлари яқинида тобора кўпроқ юзага келиши катта моддий зарар етказмокда.

Республиканинг 15 миллиондан ортиқ киши истиқомат қилувчи каттагина қисми сейсмик фаол ҳудудда жойлашган. Илмий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, Республиканинг тоғли ва тоғолди туманларида 150 минг га. майдонни эгалловчи 34 та, ер чўкиши хавфи мавжуд бўлган ҳудудлар бор. Бу ерларда 250 дан ортиқ аҳоли пунктлари жойлашган. Сел хавфи бўлган каттагина ҳудуд таркибига йирик ва кичик дарёларга туташ жойлар киради; қор кўчкилари хавфи бор катта майдонлар Чотқол-Қурама ҳудудида ва Ҳисор тоғ тизмаси жануби-ғарбий қисмида қайд этилган.

1.1. ЗИЛЗИЛА

Зилзилалар ўзининг вайронкор оқибатлари ва қурбонлар сони бўйича табиий офатлар орасида дастлабки ўринлардан бирини эгаллайди. Ўларнинг оқибатлари бир неча йил давомида сезилиб туриши ва давлат бюджетининг катта қисмига зарар етказиши мумкин. Ўзбекистоннинг 80 фоиз ҳудуди 7-9 балл кучланишдаги зилзилалар эҳтимоли мавжуд сейсмик хавфли ер

ҳисобланади. Кучли зилзила оқибатида турар жой ва саноат мажмуаларида бино ва иншоотларнинг бевосита вайрон бўлиши билан бирга, ғавқулодда вазиятлар хавфни сезиларли даражада оширадиган бошқа омилларни ҳам юзага келтиради. Табiiй хавфлар (ер ўпирилиши, тоғ кўллариининг ўзанидан чиқиб кетиши оқибатидаги сел (қимлари, сув омборлар тўғонлари бузилиши билан боғлиқ катта ҳудудларнинг сув остида қолиш ёр қатламининг чўкиши ва ҳоказо) ва техноген (ёнғинлар, асосий транспорт йўллари бузилиши, коммунал-энергия тармоқларининг ишдан чиқиши, кимёвий хавфли объектлардаги авария ва ҳоказо) хусусиятга эга ғавқулодда вазиятлар шулар жумласидандир.

Олиб борилган текширувлар натижаларига кўра, республикада 92 та ўқув муассасаси объектлари (мактаблар, коллежлар ва бошқалар), 11 та болалар боғчалари биноси ва 39 та шифохона ва амбулатория авария ҳолатида ҳамда белгиланган сейсмик мустаҳкамлик талабларига жавоб бермайди.

1.2. СУВ САТҲИНИНГ КЎТАРИЛИШИ ВА ТОШҚИНЛАР

Сув сатҳининг кўтарилиши ва тошқинларнинг шаклланиши кенг дарё тармоғи, йирик каналлар ва ишлаб турган сув омборларига боғлиқ. Гидротехник иншоотлардаги авария, шунингдек, дарё ва каналларнинг юқори тошқин даврида ишлаш қобилиятининг етарли эмаслиги дарёолди ҳудудла ридаги аҳоли пунктларига хавф туғдиради. Бундай шароитда шошилишч, биринчи галда мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари, шунингдек, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларининг эвакуацияси талаб этилади.

1.3. ХАВФЛИ ГИДРОМЕТЕО-РОЛОГИК ҲОДИСАЛАР ВА ХАВФЛИ ГЕОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР

Жала ёки баланд тоғ кўллари (шу жумладан, трансчегара ҳудудларида ҳам) тошқини оқибатида юзага келувчи сел оқимлари, шунингдек, ўпирилиш ҳодисалари жиддий хавфни келтириб чиқаради.

Ўнлаб мактаблар ва тиббiiй муассаса биноларига, асосан тоғолди ва тоғли ҳудудларга мазкур хавфли ҳодисалар таҳдид солиб туради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги гидрометеорология хизмати маркази ва Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси

хизматлари кўрсатмасига биноан ҳар йили мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари, касалхоналар ва тиббий ёрдам пунктлари вақтинча ёпилади ва хавфсиз ерга эвакуация қилинади.

1.4. ТИББИЙ-БИОЛОГИК ТАҲДИДЛАР

Эпидемиялар. Кўзга кўринмас микроорганизмлар инсондаги айрим касалликларни келтириб чиқаради.

Беморлардаги юқумли касалликлар ҳаво, сув, озиқ-овқат маҳсулотлари ва айниқса, ўзаро алоқалар орқали соғлом одамларга ўтади.

Маълум бир ҳудудда кўп миқдордаги юқумли касалликнинг пайдо бўлиши аҳоли ўртасида касалликнинг кескин ва қисқа вақт ичида кўпайишига эпидемия дейилади. Эпидемия, айниқса, болаларда оғир кечади. Оммавий касалликлар даражасини камайтириш учун шахсий гигиена қоидалари ва имкон даражасида профилактик чора-тадбирларга амал қилиш зарур. Катталар шахсий намуна кўрсатиб, болалар ва ёшларга тиббий билимлар ва соғлом турмуш тарзи асосларини сингдириши керак.

Эпизоотиялар. Юқумли касалликнинг бир вақтдз бир ёки бир неча турдаги ҳайвонлар ўртасида тарқалиши эпизоотия деб аталади.

Хонакилаштирилган ва ёввойи ҳайвонлар, қушлар ва балиқлардан қутуриш, оқсил, сил, бруцеллёз, парранда гриппи ва кўплаб бошқа касалликлар одамларга юқиши мумкин.

Шу сабабли ит ёки мушукни боқишга олиш ҳолатида уларни ветеринар рўйхатидан ўтказиш, ўз вақтида эмлатиш ва уларни кузатиб бориш, жониворнинг ўзини тутишида кескин ўзгаришлар (тушкунлик, иштаҳанинг йўқлиги, сўлакнинг кўп ажралиши ва бошқалар) аниқланганда зудлик билан ветеринар шифокорга мурожаат этиш лозим. Қаровсиз итлар, мушуклар ёки бошқа жониворларни ўйнатиш тавсия этилмайди. Негаки, улардан қутуриш ва бошқа юқумли касалликни юқтириб олиш мумкин. Шунингдек, ҳайвонларни парваришlashда шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш керак.

Эпифитотиялар. Маълум вақт ичида катта ҳудудда ўсимликлар ва қишлоқ хўжалиги экинлари юқумли касалликларининг кенг тарқалиши эпифитотия дейилади. Ўсимликлар ва қишлоқ ўжалиги экинлари эпифитоси давлат ва

табиатга катта иқтисодий зарар келтиради. Чунки буғдой, пахта, гуруч каби қишлоқ хўжалиги экинларининг нобуд бўлиши билан табиий равишда нон ва нон маҳсулотлари, пахта ёғи, гуруч ва бошқа маҳсулотлар миқдори камаяди, япроқли дарахтларнинг нобуд бўлиши билан эса, атмосферадаги кислород миқдори камайиб кетади, зеро, дарахтлар "сайёрамизнинг ўпкаси" ҳисобланади. Ўсимликларнинг заҳарли хусусиятларини билмаслик оммавий заҳарланишга олиб келади ва аксарият ҳолларда болалар ва ўсмирлар зиён кўради.

2. ТЕХНОГЕН ХУСУСИЯТДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР

Кимёвий ва энергетик қурилмаларнинг катта ҳажмдаги ресурсларини ишлаб чиқариш, нефть-газ маҳсулотлари, транспорт тизими, гидротехник иншоотларнинг эскириши ва ҳоказолар билан боғлиқ вазиятлар тушунилади. Бу эса ҳозирги куннинг энг муҳим долзарб вазифаси ҳисобланади.

2.1. КИМЁВИЙ ЗАҲАРЛАНИШ ХАВФИ

Республикада бир қатор иқтисодий объектлар хавфли кимёвий моддалар заҳирасига эга ва уларнинг авария ҳолларида ҳавога тарқалиши атроф-муҳитни заҳарлайди. Бунинг инсонга таъсири кучли бўлиб, сурункали касалликларга ва ҳатто ўлимга олиб келиши мумкин.

Ишлаб чиқариш ва транспорт авариялари, табиий офатлар оқибатида хавфли кимёвий моддалар атроф-муҳитга тарқалиши мумкин.

Кимёвий хавфли ҳисобланган объектларда фавқулодда вазият юзага келганда авария-қутқарув ишларини ўтқачиш ташкил этилади.

Кимёвий заҳарланиш ҳудудида бўлган аҳолининг турли гуруҳлари алоқа ва хабар бериш тизими сигналларини билиши, индивидуал ҳимоя воситаларидан фойдала олиши, эвакуация тадбири артибларидан хабардор бўлиши керак.

2.2. ЁНҒИНЛАР

Ёнғинларнинг асосий зарар етказувчи омиллари жумласига оловнинг бевосита таъсири (ёниш), юқори қарорат ва иссиқ тарқалиши, газ муҳити; бино ички қисмининг ва ҳудудларнинг заҳарли ёнувчи маҳсулотлар орқали тутун билан қопланиши ва газга тўлишини киритиш мумкин. Ёниш зонасидаги одамлар,

одатда, тўпроқ очик олов ва учқунлар, атроф-муҳитнинг юқори ҳарорати, захарли ёнувчи маҳсулотлар, тутун, кислороднинг паст концентрацияси, қурилиш иншоотлари агрегатлар ва қурилмаларнинг мумкин бўлган қисмаларидан вазият чекадилар.

Ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари. Турар жой ва жамоатчилик биноласида асосан электр тармоғи, ва электр асбоблари носизлиги, газ чиқиши, юқори кучланиши остида қаровсиз қолдирилган электр асбобларининг ёнғи кетиши болаларнинг олов биноан эҳтиётсиз муносабати ва шорлиги очик ҳолда тўсиқ ва даҳлили юқларида қолдирилган носоз ва қўлбода иситиш қурилмаларидан фойдаланиш, тутун билан қопланмайдиган зинапояларни ҳаво зонаси тешикларини ёпиқ қўйиш оқибатида ёнғин келин чиқади.

Шу сабабли ёнғин автоматикаси воситалари созлигини доими назоратда тутиш, ёнғин хабарини берувчи мосламалар, тут чиқариш тизими, ёнғин ўчири воситаларини соз ҳолда сақланиши зарур. Жамоат корхоналарида ёнғин келиб чиқишига асосан қуйидагилар сабаб бўлади: бино ва иншост лойиҳалаштирилиши ва қурилишида йўл қўйилган носозлик, ишлаб чиқариш ходимлари томонида оддий хавфсизили меъёрларига риоя этилмасли ва олов билан эҳтиётсиз муносабатда бўлиш; саноат корхонасидаги иш жараёнида технология хусусиятга эга ёнғин хавфсизли қоидаларининг бузилиши (масалан, пайвандлаш ишларини олиб боришда), шунингдек, электр жиҳозлари ва электр қуйилмаларидан фойдаланиш чоғида; ишлаб чиқариш жараёнида носоз ускуналарнинг ишлатилиши.

2005 йил давомида республика содир бўлган 15 мингдан ортиқ ёнғин оқибатида 931 киши жиоҳатлангач ва 175 киши ҳаётда кўз омпон. Улар орасида болалар ҳам бўлган.

Кўп ҳолларда ёнғин келиб чиқилига болалар шўхлиги сабаб бўлади. Шу сабабли кичик ёшдаги болалар қаровсиз қолдирмаслик, уларга- гугурт билан ўйнашни ман этиш, электр иситим ускуналари ва газни ёқишга рухсат бермаслик лозим.

Болалар ва ўсмирлар ёнғин пайтида тўғри ҳаракат қилиш юзасидан асосий қоидаларни билиши керак.

2.3. ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИ

Энг долзарб муаммолардан бири сифатида умумэътироф этилган транспортда ҳаракатланиш ҳавфсизлиги тўғридан-тўғри инсон омилига боғлиқ ва транспорт ҳодисаси сабаблари орасида бу омил 90 фоиз ёки ундан ҳам кўпроқ кўрсаткични ташкил этади.

Шундай қилиб, автомобиль транспорти ҳодисаси кўплаб мамлакатларда кучли ижтимоий-иқтисодий муаммолардан биридир.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, йўлларда дунё бўйича ҳар 30 сонияда одамлар ҳалок бўлади. Ана шу тарзда, ҳар йили 1,2 миллион киши йўл-транспорт ҳодисаси қурбонига айланади ва яна 20-50 миллион киши ҳалокатлар чоғида оғир жароҳат олади.

Йўл-транспорт ҳодисаси туфайли жароҳатланганларнинг аксарият қисмини йўловчилар, яъни транспорт воситаси ичида бўлган шахрлар ва болалар ташкил этади.

Болаларни оммавий тарзда олиб юриш (экскурсия, дам олиш зоналарига бориш ва ҳоказо) алоҳида назоратни талаб этади.

Аниқланишича, барча бахтсиз ҳодисаларнинг ярмидан кўпроғи инсон омили туфайли содир бўлади. Ҳайдовчи ва пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларини онгли равишда писанд қилмасликларида намоён бўлувчи интизомсизликлари автомобиль транспорти ҳодисасининг асосий сабаби бўлиб ҳисобланади. Кўп ҳолларда бундан болалар азият чекади. Йўл ҳаракати қоидаларининг оммавий тарзда бузилиши бугунги кунда йўл ҳаракати иштирокчиларида йўл-транспорт маданиятининг пастлиги, уларга давлат ва ижтимоий таъсирнинг самараси камлигидан далолат беради.

Чунончи, 2005 йил мобайнида 2247та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган ва оқибатда 2023 киши жароҳатланган, 320 нафар бола ҳаётдан кўз юмган.

Автобуслар қатнови тармоғининг ривожланганлигини инобатга олган ҳолда, болалар ва ўсмирлар онгига автобус (трамвай, троллейбус), шунингдек, метрополитендан фойдаланиш қоидаларини ҳамда ҳавфсизлик қоидаларига риоя этишни сингдириш зарур.

2.4. КОММУНАЛ-МАИШИЙ ТАҲДИДЛАР

Республикада аҳолининг аксарият қисми рўзгор-уй шарт-шароитларида электр жиҳозлари, газ таъминоти, сув қувурлари мосламалари ва канализациядан фойдаланадилар.

Мазкур маиший қулай мосламалардан фойдаланишда эҳтиётсизлик, бирламчи қоидаларнинг қўпол равишда бузилиши оғир жароҳатларга олиб келиши мумкин. Ота-оналар, педагоглар ва барча катта ёшдаги аҳоли болалар ва ўсмирларга ускуналардан фойдаланиш қоидалари ва жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатишни сингдириши керак.

Юзага келиши мумкин бўлган табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда ва техноген хусусиятларнинг айтиб ўтилган ва бошқа сабабларининг олдини олиш мақсадида аҳолининг турли гуруҳлари учун ҳаёт ҳавфсизлиги асослари соҳасида тадбирларни амалга ошириш ишлари бошланган ва давом эттирилади.

II- АҲОЛИНИ ХАВФ-ХАТАР ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ШАРОИТИДА ҲАРАКАТЛАНИШГА ЎҚИТИШ ТИЗИМИ

МАЗКУР МАҚСАДЛИ ДАСТУР ҚУЙИДАГИЛАРНИ НАЗАРДА TUTАДИ:

1. Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитиш.
2. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ва олий ўқув юртларида ўқитиш.
3. Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари ва тиббиёт касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини ўқитиш.
4. Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарлари ва ходимларини ўқитиш.
5. Иш билан банд бўлмаган аҳолини ўқитиш.

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ

Режа:

1. *Фуқаролар муҳофазасининг асосий вазифалари.*
2. *Фуқаролар муҳофазаси органларининг таъкилий тuzилиши..*
3. *Фавқулодда вазиятлар, уларнинг турлари ва хусусиятлари.*

Дарс мақсади: *Бўлажак мутахассисларни фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси чори-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллашга ўргатишдан иборат.*

Таянч сўз ва иборалар

Умуммақсадли тизимлар. Хизматли тизимлар. Фавқулодда вазиятлар. Фуқаролар муҳофазаси итаби. Объектли тизимлар.

Дарс ўтиш воситалари: Плакат, схема

Фуқаролар муҳофазаси — умумдавлат муҳофаа сиёсатларидан бири бўлиб, у ҳар қандай фавқулодда ҳолатларда фуқароларни, халқ хўжалиги тармоқларини муҳофаза қилишда, уларнинг муттасил ишлашини таъминлашда ҳамда қутқариш ва тиклаш ишларини бажаришда ката аҳамият касб этади.

Фуқаро муҳофазаси давлат тизимлари — ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврида ҳам юзага келадиган хавфлардан аҳолини, ҳудудларни, моддий бойликларни муҳофаза қилишда муҳим вазифаларни бажаради. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилган «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги Қонунида ўз аксини топган.

Фуқаро муҳофазасининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Аҳоли ва объектларни ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан ҳимоялаш ҳаракатлари ва усулларига тайёрлаш.
2. Бошқарув, хабар бериш ва алоқа тизимларини ташкил қилиш, ривожлантириш ва доимий шай ҳолатда сақлаб туриш.
3. Халқ хўжалиги объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш юзасидан тадбирлар комплексни ўтказиш.

4. Аҳолини, моддий ва маданий бойликларни хавфсиз жойларга эвакуация қилиш.

5. Фуқаро муҳофазаси ҳарбий тизимлари шайлигини таъминлаш.

6. Аҳолини умумий ва шахсий сақловчи воситалари билан таъминлаш тадбирларни ўтказиш.

7. Аҳолининг ҳарбий даврдаги ҳаёт фаолиятини таъминлаш.

8. Радиациявий, кимёвий ва биологик вазият устидан кузатиш ва лаборатория назорати олиб бориш.

9. Қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ўтказиш.

10. Ҳарбий даврларда ҳам зарар кўрган ҳудудларда жамоат тартибини йўлга қўйиш ва сақлаб туриш.

11. Аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш юзасидан бошқа тадбирларни амалга ошириш.

Мана шу вазифаларни муваффақиятли олиб бормай туриб, зарарланган ҳудудларда, объектларда мўътадил ҳаёт фаолиятини яратиб бўлмайди. Бу ишларни давлат органлари орқали, фуқаро муҳофазаси бошчилигида бутун халқ ёрдамида амалга оширилади.

Фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

а) Ўз ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки ҳарбий ҳаракатлардан муҳофазаланиши:

б) Умумий ва яқка муҳофазаланиш воситаларидан текин фойдаланиш:

в) Ҳарбий ҳаракатлар кечиккан жойларда ўзлари йўлиқишлари мумкин бўлган хавф даражаси ва зарур хавфсизлик чоралари тўғрисида ахборот олиш:

г) Ҳарбий ҳаракатлардан жабрланганларга уларнинг ҳаёт – фаолиятини таъминлаш учун шароитлар яратилади, тиббий, моддий – молиявий ва бошқа хил ёрдам кўрсатилади.

Фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

а) Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги барча қонун ҳужжатларига риоя қилишлари:

б) Фуқаро муҳофазаси тадбирларини бажаришда иштирок этишлари ва тегишли тайёргарликдан ўтишлари.

в) Фуқаро муҳофазаси сигналларини, умумий ва якка муҳофазаланиш воситаларидан фойдаланиш қоидаларини билишлари.

г) жабрланганларга дастлабки тиббий ва бошқа хил ёрдам кўрсатишни билишлари;

д) Давлат органларига, шунингдек, ташкилотларга фуқаро муҳофазаси соҳасидаги вазифаларни ҳал этишда кўмаклашишлари;

с) Фуқаро муҳофазаси объектлари ва мол – мулкани асрай билишлари шарт.

Юқоридаги мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилиши, фуқаролар муҳофазаси тизимининг мустаҳкамланигини, жумладан, давлатнинг муҳофаа қудратини оширишни таъминлайди.

ФВДТ кучларига қуйидагилар киради:

1. Фуқаролар муҳофазаси қўшинлари;
2. Худудий ва объектларнинг ҳарбийлашмаган умумий-махсус мақсадли тизимлари;
3. Маҳаллий ҳокимият органларининг (вилоят, шаҳар ва туманлар) ФВВ кутқарувчи командаларининг тизимлари;
4. ФВВга тўғридан-тўғри ҳамда тезкор бўйсунувчи Республика ихтисослаштирилган тизимлари;
5. Вазирликлар ва идораларнинг ҳарбийлаштирилган ҳамда профессионал-ихтисослаштирилган авария-кутқарув ва авария тиклаш бўлинмалари;

Фавқулодда вазиятлар, унинг сабабчи омиллари ва хусусиятлари

Фавқулодда вазият (ФВ) - маълум ҳудудда юз берган фалокат, ҳалокат ва бошқа турдаги офатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теварак атрофдаги табиий муҳитга сезиларли моддий зарар етказувчи, одамларнинг турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган ҳолатдир.

Фавқулодда вазиятлар хавфнинг тарқалиш тезлигига кўра, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- а) тасодифий ФВ - ер силкиниши, портлаш, транспорт воситалардаги авариялар ва бошқалар;

б) шиддатли ФВ - ёнғинлар, заҳарли газлар отилиб чиқувчи портлашлар ва бошқалар;

в) мўътадил (ўртача) ФВ - сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиб чиқиши, радиоактив моддалар оқиб чиқувчи авариялар ва бошқалар;

г) равон ФВ - секин-аста тарқалувчи хавфлар: қурғоқчилик, эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг, ифлосланиши, сувни кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва бошқалар.

Фавқулодда вазиятлар яна тарқалиш миқёсига (шикастланганлар сонига ҳамда моддий йўқотишлар миқдорига қараб) кўра 4 гуруҳга бўлинади:

1. *Локал (объект миқёсидаги) ФВ;*

2. *Маҳаллий ФВ;*

3. *Республика (миллий) ФВ;*

4. *Трансчегаравий (глобал)*

Фавқулодда вазиятлар тавсифига кўра (сабаби ва келиб чиқиш манбаига кўра)

1. *Табиий тусдаги ФВ;*

2. *Техноген тусдаги ФВ;*

3. *Экологик тусдаги ФВларга бўлинади.*

Табиий тусдаги фавқулодда вазиятларга 3 хил турдаги хавфли ҳодисалар киради:

1) *геологик хавфли ҳодисалар:* зилзилалар, ер кўчишлари, тоғ ўпирилишлари ва бошқа хавфли геологик ҳодисалар;

2) *гидрометеорологик хавфли ҳодисалар:* сув тошқинлари, селлар, қор кўчкилари, кучли шамоллар (довуллар), жала ва бошқа хавфли гидрометеорологик ҳодисалар;

3) *Фавқулодда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар:* алоҳида хавфли инфекциялар (ўлат, вабо, сарғайма, иситма), юқумли касалликлар, риккетсиялар-эпидемиктошмали терлама, Брил касаллиги, зооноз инфекциялар - Сибир яраси, қутуриш, вирусли инфекциялар - СПИД;

Эпидемия - одамларнинг гуруҳбўлиб юқумли касалланиши, уларнинг заҳарланиши (заҳарли модда билан ҳамда озиқ-овқатдан оммавий заҳарланиш); эпизоотия - ҳайвонларнинг оммавий касалланиши ёки нобуд бўлиши; Эпифитотия эса ўсимликларнинг оммавий нобуд бўлишидир

ЗАМОНАВИЙ ҚИРҒИН ҚУРОЛЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА ТАЪСИР ХУСУСИЯТЛАРИ

Режа:

- 1. Ядровий қурооллар ва уларнинг хусусиятлари.*
- 2. Кимёвий қуроолларнинг турлари.*
- 3. Биологик шикастланиш ўчоғида олиб бориладиган чора тадбирлар.*

Дарс мақсади: *Талабаларни қирғин қуроолларидан ҳимояланиш чора тадбирларига ўргатиш.*

Таянч сўз ва иборалар:

Тўлқин зарбаси. Ёруғлиқ нурланиш. Радиация тўлқини. Электромагнит импульс. Нурланиш касаллиги. Ви-икс, зоман, зарин. Синил кислотаси. Адамсит, Би-зет. Имприт. Фосген. Радиациявий ҳолатни баҳолаш. Дезинфекция. Дегазация. Дезактивация. Обсервация.

Керакли жиҳозларининг: Плакат, схема.

Қирғин қурооллар деганда жуда катта миқёсда вайронагарчилик ва йўқ қилиш учун мўлжалланган қурооллар тушунилади. Бундай қурооллар қаторига ядровий, кимёвий, биологик, нурли ва бошқа қурооллар киради.

Қирғин қурооллар нафақат инсониятни, балки атроф-муҳитни, иншоотларни, кийим-кечакларни, моддий бойликларни шикастлантиради. Бунда албатта, зарарланиш даражаси, қирғин қуроолларининг турига, хусусиятларига боғлиқ. Жумладан, ядровий қурооллар тирик мавжудотларни ҳам, жамики иншоотлар, техникаларни қаттиқ шикастлантиради.

ЯДРО ҚУРОЛИ

Портлаши ва таъсир кучи атом ядроси энергиясидан фойдаланишга асосланган ҳар қандай қурол (бомбалар, ракеталар, торпедалар ва ҳоказолар) ядро қуроли ҳисобланади. Бу энг кучли ва энг хавфли воситасидир.

Ядро қуролини дастлаб АҚШ империалистлари 1945 йилда ишлатдилар.

Ядро қуролининг иккита асосий тури; ядро ва термоядро қуроли маълум. Ядро қуроллари оғир элементлар – уран–235 ёки плутоний –239 ядросининг занжирли реакция билан парчаланишига асосланган. Бунда жуда юқори даражада иссиқлик ажралиб чиқади ва портлаш юз беради. Термоядро қуроллари уран - 235 ёки плутоний – 239 дан ташқари, енгил элементлар - дейтерий (оғир водород), литий.

Ядро портланиш ер юзида, ер остида, сув остида ва ҳар хил баландликдаги атмосферада амалга оширилади.

Ядро қуроли портлаганда, ундан радиоактив альфа, бетта, гамма нурлар ва нейтронлар тарқалади. Биринчи марта 1896 йилда француз физиги Анри Беккерель уран ва унинг бирикмалари кўзга кўринмас нур тарқатишини аниқлади. 1898 йилда Пьер Кюри ва Мария Кюри-Склядовская худди шундай нур тарқатувчи иккита янги элемент: радий ва плутонийни кашф этди. Кўзга кўринмайдиган нурланишнинг тарқалиш ҳодисаси радиоактивлик дейилади. Ичида атом ядроси ўз-ўзидан парчаланадиган ва альфа, бетта, гамма нурлар тарқатадиган моддалар радиоактив моддалар (РМ) ёки радиоизотоплар дейилади. Бу нурланишларининг ҳаммаси ўз муҳитида (ҳавода, одам ва ҳайвон организми ҳужайраларида) атомларни ионлаштириш хусусиятига эга, шунинг учун улар ионлантирувчи нурланиш дейилади.

Табиатда табиий радиоактив моддалар: уран; радий, торий, калий ва бошқалар мавжуд. Булардан ташқари, Менделеев даврий системасининг деярли ҳамма элементларидан 1 000 дан ортиқ сунъий-радиоактив изотоп олинган).

Моддаларнинг радиоактивлигини ўлчаш бирлиги қилиб Кюри (К) қабул қилинган (Кюри деганда, бир секундда 37 млрд ядро парчаланадиган радиоактив модда миқдори тушунилади).

Ҳаводаги нурланиш дозаси – рентген. Организм туқималари ютадиган нурланиш дозаси эса рад бирлиги билан ўлчанади.

Зарарланган жойларда радиация даражаси, маълум бир вақт ичида нурланиш дозаси ўлчанади. Радиация даражаси

рентген/соат (Р/соат) ёки миллирентген/соат (МР/соат) билан ифодаланади.

Ионлантирувчи нурланишлар оқибатида одам нур касаллиги билан касалланади. Бу касалликнинг оғир-енгиллиги асосан нурланиш дозасига боғлиқ. Одам бир марта нурланганда нурланиш дозаси 1– 2,5 Гр (100–250 рад) бўлса, нурланиш касаллигининг 1 (енгил) даражаси, 2,5–4 Гр (250–400 рад) бўлса, 2 (ўртача) даражаси, 4– 6 Гр (400–600 рад) бўлса, 3 (оғир) даражаси, 6– 10 Гр дан (600– 1000 рад) ортиқ бўлса, 4 (жуда оғир) даражаси бўлади. Радиация даражаси рентгенометрлар, нурланиш дозаси дозиметрлар билан аниқланади.

Ядро қуроли портлашининг зарарловчи факторлари

1. Тўлқин зарбаси. Ядро аслаҳасининг асосий шикастлантирувчи факторлардан бири ҳисобланади. Тўлқин зарбаси деганда юқори ҳароратли, товуш тезлигидан юқори тезликка эга бўлиб, сиқилган муҳит тушунилади. Қуролни портлатилган муҳитга қараб, у ҳаводаги, сувдаги ва ердаги тўлқин зарбаларига бўлинади.

Тўлқин зарбаси одамларни, иншоотларни, ҳарбий техникаларни ва объектларни шикастлантиради. Тўлқин зарбаси факторида одамлар бевосита шу факторнинг таъсиридан ҳамда билвосита таъсирлардан жароҳат оладилар. Билвосита таъсирлар натижасида иншоотларнинг бузилган қисмлари, тошлар, синган ойналар, дарахтлар ва бошқа материалларнинг одамлар устига келиб тушишидан зарарланадилар. Тўлқин зарбасининг бевосита таъсиридан одамлар турли даражадаги жароҳатлар, контузияланиш ва ўлим билан тугайдиган жароҳат олишлари мумкин. Шунинг учун тўлқин зарбаси таъсиридан енгил, ўртача, оғир ва жуда оғир жароҳат хиллари кузатилади. Уйлар панажойлар, жарликлар тўлқин зарбасидан ҳимоя воситаси ҳисобланади.

2. Ёруғлик нурланиш деганда электромагнит нурлар тушунилиб, унга ултрафиолет, инфракизил ва кўринадиган нурлар киради. Бунда нурланишнинг манбаи ядро портлаганда ҳосил бўладиган ярқирашдан, яъни юқори ҳароратли ядро заряди, ҳаво, тупроқ ва тошдан иборат. Ёруғлик нурланишнинг таъсир

этиш вақти, ядро курилининг қувватига боғлиқ. Қувват ошган сари бу факторнинг таъсири ҳам ортиб боради.

Ёруғлик нурланиш фактори таъсирида одамларнинг очик қолган жойлари куяди, кўзи ҳиралашади, ҳайвонларнинг юнглари куяди ва енгил ёнувчан материаллар ёниб кетади.

3. Ўтувчи радиация. Ўтувчи радиация - гамма нурлар ва нейтронлар оқимидан ташкил топган. Радиация нурини манбаи ядро аслаҳаси портлаганда кетадиган ядровий реакция ҳамда ядроларни радиоактив парчаланишидан ҳосил бўлади. Радиация факторининг таъсир вақти 15-25 с. ни ташкил этади. Бу факторни асосий шикастлантирувчи таъсири - нурлантириш дозаси (Д) ҳисобланади. Уйлар ва панажойлар ўтувчи радиациялар сақланишга имкон беради.

Нурланиш дозаси бир бирлик нурланаётган муҳитни ютган ионлантирувчи нурлар энергияси миқдorigа тенг ва кл/кг, рентген ва грейларда ўлчанади.

Радиация факторининг таъсири ионлантириш хусусиятига эга бўлганлигидан нурланиш касаллигини келтириб чиқаради.

I даражали нурланиш касаллиги 100-200 рад нур олганда кузатилиб, бунда ҳолсизланиш, оғир бўлиб кетиш, бош айланиш, ҳарорат кўтарилиш аломатлари кузатилади.

II даражали нурланиш касаллиги 200-400 рад нур олганда пайдо бўлиб, бунда бош оғриб, айланади, асаб тизимлари бузилади, тез-тез қусиш, ич кетиш кузатилади ва қондаги лейкоцитлар миқдори 2 марта камайиб кетади.

III даражали нурланиш касали 400-600 рад нур олганда кузатилиб, бунда кучли бош оғриғи, қусиш, ҳушидан кетиш, қон сийиш, терилар қизариб, қондаги лейкоцит, эритроцитлар миқдори камайиши кузатилади. Бу ҳолдаўз вақтида тузатиш омиллари бажарилганда инсон 3-6 ойдан кейингинатузалиши мумкин.

IV даражали нурланиш > 600 рад. олганда кузатилиб, бунда касаллик жуда оғир кечиб, ўлим билан якунланади.

Нурланиш касаллигига учраган одамларда инфекцияга қаршилиқ кўрсатиш (иммунитет) кескин камайиб, тўқималарни кислородга тўйинмаганлиги ҳамда қонни ивимаслик хусусиятлари пайдо бўлади.

4. Радиоактив ифлосланиш. Ядро аслаҳанинг бу таъсир фактори бошқа шикастловчи факторлар ичида алоҳида ўрин тутиб, унинг таъсир доираси нафақат аслаҳа портлатилган район, балки ўнлаб, юзлаб узокликдаги жойларни ўз ичига олади. Бу фактор узок вақт давомида катта ҳудудни зарарлаб, инсонларга, ҳайвонот дунёсига қаттиқ шикаст етказади. Радиоактив зарарланишнинг манбаи ядровий портловчи модданинг парчаланган қисмлари, парчаланмаган ядровий зарядлар, активланган тош, тупроқлардан ташкил топган булут ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси атмосферага кўтарилиб энг юқори баландликка етгандан кейин турғунлашади ва метерологик шароитларга қараб, ҳар хил узокликка тарқалиб, ерга тушади ва ўша ердаги жамики нарсаларни зарарлайди.

Ядровий портлашда нафақат жойлар, балки унинг ҳудудида бўлган жамики ускуналар, кийим-кечаклар, сув, ҳаво, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ернинг маълум қалинликдаги қатлами ҳам зарарланади.

Инсон организмига ҳам радиоактив заррачалар 2 хил йўналиш бўйича: биринчиси заррачаларни нафас йўли орқали ва иккинчиси радиоактив зарарланган озиқ-овқат маҳсулотлари орқали кириб зарарлайди. Радиоактив зарарланишдан сақланишнинг ишончли услуби - ҳимоя иншоотларида (бошпаналарда РСБ, усти ёпиқ ертўлаларда, ишлаб чиқариш ва турар-жой иншоотларининг ертўлаларида) ва шахсий ҳимоя воситалари (газ-ниқоби, респиратор, чангдан сақловчи маска, пахта докали таққич ва бошқалар) ёрдамида сақланишдир.

5. Электромагнит импульс. Ядровий портлашда атмосферада жуда катта электромагнит майдони вужудга келиб, бунда тўлқин узунлиги 1 дан 1000 м ва ундан ҳам узун бўлади. Мана шу пайдо бўлган электромагнит майдоннинг кучи **электромагнит импульси** дейилади.

Электромагнит импульсининг таъсир этувчи кучи - ҳаводаги ва ерости кабелларидаги электр токининг қаршилигини, сигнализация, электр ўтказувчи ва радио узаткич антенналарининг қаршилигини кескин ошириб юбориб, турли даражадаги фалокатларга олиб келади.

ХИМИЯВИЙ ҚУРОЛЛАР

Турли заҳарловчи моддалар ва уларни жойларда чанглатиш учун манзилга етказиб берувчи воситалар химиявий қурол дейилади. Одамлар ва ҳайвонларни, ўсимликларни, шунингдек, ҳавони, жойларни, сув, озиқ-овқатларни ҳамда турли буюмларни зарарловчи заҳарли химиявий бирикмалар заҳарловчи моддалар (ЗМ) дейилади.

Заҳарловчи моддалар биринчи марта биринчи жаҳон урушида (22 апрель 1915 йилда) немис армиясида ишлатилган эди. Улар хлор, фосген, дифосген, иприт, хлорпикрин каби ЗМни кўп ишлатганлар. Биринчи жаҳон уруши даврида бир миллиондан кўпроқ киши ЗМ билан заҳарланган.

ЗМ одам организмига таъсири жиҳатидан 6 гурпуага бўлинади:

- 1) фосфорорганик ЗМ (ФЗМ–ФОВ) асаб системасини фалажлаш таъсирига эга (замон, зарин, V – газлар);**
- 2) терини яра қилувчи ЗМ (иприт);**
- 3) умумзаҳарловчи ЗМ (цианид кислота, хлорциан);**
- 4) бўғувчи ЗМ (фосген, дифосген);**
- 5) кўздан ёш оқизувчи ва таъсирлантирувчи ЗМ (хлорацетофенон, СЗ, адамсит, хлорпикрин);**
- 6) психохимиявий таъсир қилувчи ЗМ (Вз, ДЛК).**

Юқорида санаб ўтилган ЗМ нинг биринчи тўрт гурпуаси суюқлик бўлиб, қолганлари қаттиқ порошоксимон модда, Америка адабиётларида биринчи тўрт гурпуадаги ЗМ ўлдирувчи таъсирга эга бўлган ЗМ қаторига киритилади. 5, 6 гурпуадаги ЗМ эса ўлдирмайдиган, вақтинча нормал ҳолатдан тойдирувчи ЗМ қаторига киритилади.

Суюқ ЗМ шартли равишда барқарор ва барқарор бўлмаган ЗМ га ажратилади. Заҳарли моддалар самолётдан тўкиб юборувчи авиацион приборлар воситасида ҳам сочилади.

Химиявий қуроллар портлаганда, заҳарланган атмосфера булути ҳосил бўлади ва у шамол билан ҳаракат қилиб, 30 км ва ундан ортиқ масофани заҳарли моддалар билан заҳарлайди. Кўпчилик ЗМларнинг (цианид кислотадан бошқа) буғи ҳаводан оғир бўлади ва пастликларда, жарлик ва чуқурликларда тўпланиб

қолади. Атмосферанинг юқори қатламларида ЗМ буғи кам бўлади.

Заҳарловчи моддалар буғи зич беркилмаган яшириниш жойларига, квартираларга ва ертўлаларга кира олади, подъездларда ва чордоқларда туриб қолади. Айниқса, болаларни, бемор ва қарияларни ЗМ таъсиридан ҳимоя қилиш жуда қийин, чунки улар противогаздан фойдалана олмайди.

Химиявий курул ишлатилганда химиявий заҳарланиш ўчоғида аҳоли томонидан ўз-ўзига ва бир-бирига ёрдам тариқасида ва санитар дружиначилар томонидан биринчи тиббий ёрдами кўрсатилади. Биринчи врач ёрдами ОПМ да, ихтисослаштирилган тиббий ёрдами ва заҳарлангандаги ёрдам шаҳар ташқарисидаги зонада ташкил этилган терапевтик ва токсико-терапевтик касалхоналарда кўрсатилали.

АСАБНИ ПАЛЛАЖЛОВЧИ ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАР

Бу гуруҳга фосфор-органик заҳарли моддалар киради: зарин, зоман, Ви-икс. Уларнинг ҳаммаси рангсиз, ҳидсиз суюқликлар бўлиб, бир-биридан учувчанлиги, турғунлиги ва заҳарлилиги билан фарқланади.

Зариндан заҳарланишнинг белгилари: миоз, нафас олишнинг оғирлашуви, кўкрак қафасда оғриқнинг пайдо бўлиши.

Зарарланишнинг клиник белгилари. ФЗМ, асосан, нерв системасига таъсир этадиган заҳар ҳисобланади. Улар аввал парасимпатик ва марказий нерв системасини кўзғатиб, бутун танани чангак қилиб қўяди, сўнгра нерв системаси фалажланади ва нафас олиш маркази фалажланиши натижасида одам ўлади.

Енгил даражада заҳарланишда бош оғриш, бўшашиш, кўкрак қафасининг қисилиши миоз (кўз қорачиғининг торайиши), кўзда ёқимсиз сезги пайдо бўлиши ва узоқдан кўришнинг қийинлашиши (кўзнинг хиралашиши), кўз қорачиғининг қоронғида ёмон кўриш ҳоллари кузатилади. Нафас олишнинг бир оз оғирлашиши, асабийлашиш, баъзан кўнгил айланиши ва қайт қилиш ҳоллари рўй бериши мумкин. Бунда одам тез тузалади, касалхонага ётқизишнинг ҳожати бўлмайди.

Ўртача даражада заҳарланишда юқорида кўрсатилган белгилардан ташқари, бронхоспазм (бронхларнинг торайиши)

ҳам ривожланади, натижада нафас олиш оғирлашиб, ҳансираш, нафас қисиши (худди бронхиал астмага каби) кузатилади ват ери кўкаради. Шу билан бирга нерв – психик кўзғалиш, ваҳимага тушиш, кўрқиш, юз мускуллари ва қўл-оёқнинг титраши, гандираклаш, сўлак оқиши, кўнгил айланиши, қайт қилиш ва баъзан ич кетиш ҳоллари рўй беради. Бундай зарарланган одамни тезда даволаш керак, акс ҳолда зарарланиш оғир формага ўтиб кетиши мумкин.

Оғир даражада захарланишда бемор ҳушидан кетади ва йиқилади, бутун гавдасини хуруж характеридаги титроқ босади. Бу ҳол бир неча соат давом этиши мумкин. Фалажданиш даври жуда хавфли бўлиб, бунда мускуллар бўшашади, нафас олиш сустлашади, ритми йўқолади, қон томирининг уриши тезлашади ёки секинлашади ва ниҳоят бемор ўлади.

Оғир захарланишнинг «Яшин тезлиги» формасида 1-2 минутдан сўнг бемор ҳушидан кетади, қисқа муддатли титроқ пайдо бўлади, тезда нерв системаси фалажланади ва 1-10 минутда ва 10 минутдан сўнг химиявий ўчоқнинг ўзидаёқ ўлим юз беради. ФЗМ терига таъсир этганда, 10-30 минутдан сўнг терининг шу ердаги мускуллар тортишиб, титроқ пайдо бўлади ва касал ўлиши мумкин. Баъзан титроқ 1-2 соатдан кейин пайдо бўлиши ҳам мумкин.

Захарли моддаларнинг организмга таъсирини йўқотувчи ва тугатувчи зиддизахарлар антидотлар дейилади. Биринчи медицина ёрдами кўрсатишда фосфор-органик ЗМнинг антидодлари сифатида қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

1. **Тарен-0,3** г ли таблетка. Енгли ва ўртача зарарланишда 2 таблетка қабул қилинади (ютилади ёки тил остига қўйилади). Тарен «ФЗМ дан зарарлангандаги восита» ҳолатида граждан мудрофаасининг индивидуал аптекасида бўлади.

Шприц – тубик полиэтилендан ишланган тубик бўлиб, ичига Афин эритмаси тўлдирилган. Тубикнинг оғзига қалпоқчали инъекцион нина бириктирилган бўлади.

Биринчи медицина ёрдамининг ҳажми: 1) аввало ЗМнинг организмга тушишини керак. Бунинг учун противогаз кийдириш ёки бузилган бўлса, алмаштириш керак;

2) антидот – тарен бериш ёки шприц-тюбикдан антидот юбориш керак (оғир зарарланганда 2-4 марта инъекция қилинади).

3) тананинг очик жойларида қисман санитария обработкаси ўтказиш зарур. Шунингдек, ЗМни зарарсизлантириш ва танага сингиши олдини олиш мақсадида химиявий моддаларга қарши индивидуал пакет ёки ПХС сумкаси ёрдамида кийимларни ҳам қисман санитария обработкасидан ўтказиш зарур.

Терини заҳарловчи хусусиятли қуроллар гуруҳига кирувчи моддалар пар ва аэрозол ҳолда ишлатилиб, улар асосан тери ва нафас йўллари орқали таъсир этади. Иприт – тери, кўз, нафас органлари ҳамда ошқозон-ичак йўллари заҳарлайди. Унинг ўртача ўлдириш дозаси нафас йўли орқали таъсир этганда 1,3 мг/л тери орқали таъсир этганда 5 мг/л. га тенг. Иприт таъсирининг белгилари: икки-олти соат ичида терилар қизаради, 24 соатдан кейин пуффакчалар ҳосил бўлади, 2-3 суткадан кейин эса улар ёрилади. Ипритнинг антидоти йўқ.

Умумий заҳарловчи таъсирга эга заҳарловчи моддаларга цианид кислота ва хлорциан киради.

Енгил даражада зарарланган одамнинг боши оғрийди, ўзи бўшашади, оғзи бемаза бўлади, боши айланади, кўнгли айнийди. Противогаз кийгандан кейин бу белгиларнинг ҳаммаси тезда йўқолади.

Ўртача зарарланганда кучли, азоб берувчи нафас қисиши кузатилади, тери пушти ранга киради, юрак атрофии оғрийди, кўкрак қафаси қисилади, гандираклаш, ҳаяжонланиш, ўлим талвасаси юз беради.

Хлорциан билан заҳарланганда кўз, томоқ ва кўкрак қаттиқ ачишади (ловуллайти) ва оғрийди, аксириш, йўтал, кўз ёшланиши кейинчалик эса цианид кислотадан зарарлангандаги каби симптомлар (ҳансираш, тиришиш ва оғир зарарланганда нафас маркази фалажланишидан, ўлим рўй бериши) кузатилади.

Цианид кислотадан зарарланганлар ҳаётини сақлаб қолиш учун иложи борица тезроқ биринчи медицина ёрдами кўрсатиш керак. Противогаз кийдириб, антидот бериш зарур. Антидот (зиддизаҳар) сифатида ампулали амилнитрит (ёки пропилнитрит) ишлатилади. Ампулалар дока билан ўралган бўлади. Ампуланинг учини синдириб ингаляция учун противогаз шлеми тагига қўйиш

керак. Сўнгра заҳарланган жойдан олиб чиқилгандан кейин, амилнитрит (ёки пропилнитрит)ни ҳидлаш учун қайтадан бериш мумкин. Учи синдирилган ампула зарарланган одамнинг бурнига тутилади. Беморнинг ҳолати кескин ўзгарганда ёки нафас олиш тўхтаб қолганда, сунъий нафас олдиришни тезда бошлаш керак.

Умумий заҳарловчи моддалар. Бу гуруҳ моддалари нафас органларини ишдан чиқаради. Одам организмидаги тўқималарда оксидланиш жараёнларини тўхтатиб қўяди. Бу гуруҳнинг типик вакили – синил кислотаси. Заҳарлаш белгилари: оғизда металл мазасининг ҳосил бўлиши, тинка қуриши, бош оғриғи, организм аъзолари ҳаракатининг йўқолиши. Синил кислотасини антидоти амилнитрит ва пропил нитрит ҳисобланади.

Бўғувчи заҳарли моддалар. Бу бирикмалар нафас органларини ишдан чиқариб, ўпкани зарарлайди.

Фосген фақат ингаляцион йўл билан организмни заҳарлайди. Унинг буғи 3 мг/л ҳаво концентрациясида ва 1-2 минутлик экспозицияда одамни оғир зарарлантиради.

Заҳарлаш белгилари: кўздан ёш оқизади, бош айланади, ҳолсизланиш кузатилади. Фосгеннинг антидоти йўқ.

BZ моддаси таъсирида одамда қисман атропин билан заҳарланишга ўхшаш кучли ақлдан озиш юз беради. Аввало, тахикардия (томир бир минутда 120-150 марта уриши) бошланади, тери қизаради ва қурий бошлайди, кўз қорачиғи кескин кенгаяди, яқиндан кўриш қобилияти сусаяди, оғиз қуриб, овоз бўғилиш белгилари пайди бўлади. Кейин психлз, галлюцинация, ҳар хил кўрқинчли нарсалар кўзга кўриниши, турли товушлар эшитилиши ва бошқалар юз беради.

Рухиятга таъсир этувчи заҳарли моддалар. Бу гуруҳ моддалари асаб тизимига муайян таъсир этиб, инсон фаолиятини вақтинчалик издан чиқаради.

Бизет – оқ кристал кукун бўлиб, унинг зичлиги 1.8, қайнаш ҳарорати 412°C, суюлиш ҳарорати 190°C. Унинг кучли таъсири аэрозол кўринишида бўлиб, нафас йўллари ва ошқозон-ичак орқали таъсир этади. Заҳарлаш белгилари: қусиш, гапира олмаслик, сўнгра галлюцинация ва ҳаяжонланиш.

Қалтиратуви заҳарли моддалар. Бундай хусусиятли моддалар кўзнинг ҳаракатчан қисмини ҳамда нафас йўлларининг

юқори қисмини ишдан чиқаради. Бу гуруҳга кирувчи моддалардан Си-эс ва Си-эр муҳим аҳамиятга эга.

Зарарланиш белгилари: кўзнинг ва кўкрак қафасининг қизиши, оғриши, кўздан ёш оқиши, йўтал ва бошқалар.

Токсинлар. Бактериал токсинлар, ҳозирги даврда юқори захарли моддалар ҳисобланади. Бундай моддаларга ботунил токсини ва стаффилококк энтеротоксин киради.

Ботунил токсини – ўлдирувчи захарли моддалар ичида энг захарлиси ҳисобланади. Тоза ботунил токсини кристалл модда кўринишида бўлади. Зарарланиш белгилари: бош оғриғи, ҳолсизланиш, кўз хиралашиши, қусиш, паллажланиш. Юқори мия паллажланиб, натижада одам ўлади.

Биологик қуроллар ва уларнинг хусусиятлари

Биологик қуроллар асосан кенг миқёсда одамларни, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини, экинларни, ўсимликлар ва баъзи бир ҳарбий материалларни зарарлаш учун мўлжалланган. Биологик қуроллар асосини биологик воситалар ташкил этиб, унга касаллик тарқатувчи вируслар, бактериялар, замбуруғлар ва риккетсинлар киради. Биологик аслаҳаларга авиация бомбаси, кассеталар, контейнерлар, чангланттирувчи жиҳозлар, ракеталарнинг жанговор қисми, чайқатувчи жиҳозлар ва бошқалар киради. Биологик воситалар қўлланиши оқибатида фавқулодда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар юзага келади. Булар қуйидаги кўринишларда кузатилади:

- Алоҳида хавфли юқумли касалликлар тарқалганда;
- Эпидемия;
- Гуруҳ касалланиши оқибатида;
- Касалланишнинг ва ўлимнинг ўсиши натижасида;
- Одамларнинг захарланишида;
- Эпизоотик вазият, яъни ҳайвонот дунёсида ўткир касалликларнинг тарқалиши;
- Эпифитотик вазият, яъни ўсимликларнинг касалланиши.

Биологик (бактериологик) қуролларни, одамларга ва ҳайвонларга таъсири ўзига хос хусусиятларга эга. Яъни улар тирик организмга жуда кичик дозада тушса ҳам юқумли

касалликлар эпидемиясини бошлайди. Уларнинг тарқалиш тезлиги жуда юқори, таъсир вақти ҳам узок, улар герметик бўлмаган сақлдагичларга осон киради, уларнинг микробини, токсинини аниклаш жуда қийин.

Биологик қуроллар қуйидаги турларга бўлинади:

а) Бактериялар асосида тарқаладиган касалликларга: ўлат, сибир яраси (куйдирги), вабо, туляремия, сапа ва бошқалар.

б) Вируслар орқали касаллик тарқалиши: сувчечак, энцефалитнинг турли кўринишлари ва бошқалар.

в) Риккетсинлар орқали касаллик тарқалиши: чўчка тифи.

г) Замбуруғлар орқали касаллик тарқалиши: бластомикоза, кокцидиондомикоза, гистоплазмоза ва бошқалар.

Ўлат билан касалланган беморнинг қуввати кетиб, боши оғрийди, ҳарорати кўтарилади ва ҳўл йўталиш пайдо бўлади.

Вабо – бу ҳам жуда хавфли касаллик ҳисобланиб, унинг тарқатувчиси вабо виброини микробидир. Вабо билан касалланган беморнинг ичи кетиб, қусади, қалтирайди ва жуда озиб-тўзиб кетади. Агар касал даволанмаса тезда ўлади.

Сибир яраси – бунинг тарқатувчиси сибир яраси микроби ҳисобланади. У тери, нафас йўли, ошқозон-ичак йўли билан кириб, ўзининг таъсирини кўрсатади. Агар у терига тушса аввал доғ ҳосил бўлади, сўнгра у шишиб ичига қон тўлади ва ёрилиб яра ҳосил қилади. Сибир яраси бўлган тананинг сезувчанлиги анча пасайиб кетади.

Ботулизм – бу касалликни ботулизм токсини тарқатади. Бу токсин жуда заҳарли ҳисобланади. Масалан, унинг 0,00000012 гр кристалл ҳолдаги токсини одамни заҳарлаши мумкин. Ботулизм касаллиги ошқозон-ичак йўли билан тарқатилиб, асосан марказий асаб тизимининг, юрак асабларини издан чиқаради. Ботулизм билан касалланган бемор ҳолсизланади, боши оғриб, кўриш қобилияти пасаяди. Тил мускуллари паллажланади. Касалнинг ҳарорати соғлом одам ҳароратидан анча паст бўлади ва бу бемор ўз вақтида даволанмаса ўлим билан тугайди.

Бактериологик қуроллар ишлатилганда суяқ ёки кукун ҳолда ерга, ўсимликларга ва сувга тарқатилади. Уларни эса курт-қумурс-қалар тезликда атрофга тарқатиб, биологик қуролнинг зарарлаш миқёси кенгайишига сабаб бўлади. Биологик

қуруллардан сақланиш ва уни тарқатмаслик чораларидан бири — бу зарарланган минтақани карантин ёки обсервация қилиш ҳисобланади. Карантин деганда эпидемияга қарши режимли чора-тадбирларни ўтказиш (яъни, юқумли касалликларни тарқатмаслик) тушунилади. Карантинда одамлар, ҳайвонлар ва юклар зарарланган минтақадан четга чиқарилмайди, токи касаллик шикастланган ҳудуддан ташқарига юқмайдиган ҳолатга келгунча.

Агар касаллик тарқатувчи хавфли бўлмаса, зарарланган ҳудуд миқёси кичик бўлса, обсервация омили қўлланилади. Обсервация омилида ҳам изоляция ҳамда профилактик-тузатиш ишлари олиб борилиб, бунда эпидемиолог врачнинг рухсати билан ҳудуддан одамларни чиқиши ва у ердан мол-мулкни чиқариш амалга оширилади. Карантинда ҳам обсервацияда ҳам дезинфекция ва дезинсекция омиллари бажарилади. Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини зарарлаш учун йирик шохли ҳайвонлар ўлати — сибир яраси (куйдиргиси), сапа, оқсил ва бошқа касалликларни тарқатувчилар қўлланилиб, нафақат ҳайвонот дунёсига балки инсоният ҳаётига ҳам катта хавф солади.

Ишлаб чиқариш жараёнларидаги авариялар

Авария деганда бажариладиган ишнинг бирдан тўхтаб қолиши, ёки саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг издан чиқиши, транспортларда ва бошқа объектларда моддий бойликларнинг бузилиш, йўқ тушунилади.

Фожиали ҳодиса (катастрофа) ва унинг оқибатлари

Фожиали ҳодиса - маълум бир вақт оралиғида содир бўладиган фалокат демакдир. Фожиа - турли хилдаги иншоотларнинг бузилиши, моддий бойликларнинг йўқ бўлиб кетиши ҳамда одамларнинг ўлими билан содир бўлади. Бундан ташқари, катта авариялар оқибатида ҳам фожиалар содир бўлади. Масалан, атом электростанцияларида ва радиоактив моддалар ишлатиладиган корхоналарда авария содир бўлиши натижасида жуда катта ҳудуд заҳарланиши ва охир оқибатда фожиа билан якунланиши мумкин. Мана шундай авариялар оқибати натижасида содир бўлаётган фожиали ҳодисалар атом

электростанцияларида тез-тез учраб туради. Масалан, 1986 йил 26 апрел Чернобил АЭСдаги авария шунга мисол бўлади.

Авария ва фалокатлар фожиали ҳолатлардан ташқари турли даражадаги жароҳатлар: қўл, оёқ чиқиши, эт ва тўқималарнинг узилиши, кесилиши, куйиши, захарланиши, тоқуриши ва бошқа талофатларга ҳам сабаб бўлади. Шунинг учун авария ва фожаия бўлганда турли хил жароҳатларга ўз вақтида, тезликца ёрдам кўрсата билиш керзк.

Аварияларнинг келиб чиқишига қуйидаги омиллар сабабчи бўлиши мумкин:

- ◆ табиий офат туфайли;
- ◆ иншоотларни лойиҳалашда ёки уни қуришда қўйиладиган хатоликлар туфайли;
- ◆ ишлаб чиқариш технологиясининг бузилиши;
- ◆ транспорт, механизм, жиҳозлардан нотўғри фойдаланганда;
- ◆ агрессив моддаларни (портловчи, тез алангаланувчи захарли моддаларни) нотўғри сақланиши ва уни ишлатилиш қоидаларининг бузилиши оқибатида;
- ◆ техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ва бошқалар. Мана шундай хатоликлар туфайли ишлаб чиқаришларда ката авариялар содир бўладик, оқибатда кўпдан-кўп инсонлар жабрланади ва моддий бойликлар йўқ бўлиб кетади.

Баъзи бир КТЗМларни физик-кимёвий ва захарли хусусиятлари 5-жадвалда келтирилган. Шулардан саноатда кўп ишлатиладигани аммиак.

Аммиак - нашатир ҳидли рангсиз газ. Уни саноатда совутгич воситаси сифатида, азотли ўғитлар олишда ва бошқа мақсадларда ишлатади. Агар аммиак ҳаво билан 4:3 нисбатда аралашса портлайди. Аммиак сувда яхши эрийди. Унинг юқори концентрацияси инсоннинг марказий асаб тизимини издан чиқариб, паллаж бўлишига олиб келади. Агар аммиак таъсирида инсон захарланса, бир неча соатдан сўнг у ўлимга олиб келади. Терига тегса турли даражадаги жароҳатланиш рўй беради.)

Аммиакдан сакданишда: «К» ёки «М» маркали газниқоби, ҳимоя ишлатилади.

Хлор - ўткир ҳидли, сарикрангли газ. Хлор қоғоз-целлюлоза, тўқимачилик саноатида, хлорли оҳак ишлаб чиқаришда, сувни зарарсизлантиришда ва бошқа соҳаларда ишлатилади.

Хлор нафас органларини ишдан чиқаради. Юқори концентрацияда 1-2 марта нафас олиш ўлим билан якунланади.

Биринчи ёрдам. Шикастланган ҳудудларда газниқобларни кийиш керак. Нафас органлари ишдан чиққанлар нашатир спиртини, ичимлик содасини ҳидлаши, 2 фоизли содали эритма билан кўзни, бурунни ватомоқларни ювиши, иссиқборжомли еки содали сутдан, кофедан ичиши керак.

Химояланиш.«В» ва «М» маркали филтрловчи газниқоблари, фойдаланилади.

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТДА АҲОЛИНИ ҲИМОЯЛАШ

Режа:

1. Коллектив ҳимоя воситалари.
2. Шахсий ҳимоя воситалари.
3. Кимёвий заҳарловчиларга қарши якка тартибдаги пакет.

Дарс мақсади: Талабаларни фавқулот вазиятларда хавфлардан ҳимоялаш ҳаракатлари ва усулларга тайёрлаш.

Таян сўзлар ва иборалар

Бошпана, ертўла, газниқоблари, енгил ҳимоя костюми, комбинзон, шахсий дорқути.

Керакли жиҳозлар: Плакат, схема, енгил ҳимоя костюми, комбинзон, шахсий дорқути.

Ҳимоя иншоотлари фуқароларни табиий офатлар, авария, ҳалокат оқибатларидан ҳамда қирғин қуроли таъсир факторларидан ва уларнинг иккиламчи таъсир факторларидан сақлайдиган бошпаналар ҳисобланади.

Ҳимоя иншоотлари қуйидзгиларга бўлинади:

Бошпана: Бошпана - одамларни ҳамма таъсир факторларидан (юқори ҳарорат, радиоактив, портловчи ва кучли заҳарли моддалар), иншоотлар бузилганда уларни қисмларидан ҳамда қирғин қуроли ва оддий ҳужумкор қуроли таъсиридан сақлайди.

Бошпаналар одамларни қабул қилиш сонига кўра 5 синфга бўлинади: кичик (150-300 киши), ўртача (300-600 киши), катта (600 дан кўп) ва бошқалар.

Бошпанани қуришда қуйидаги талаблар қўйилади:

- 1) 3 суткадан кам бўлмаган муддатда сақлаш;
- 2) Сув босмайдиган жойларда қуриш;
- 3) Оқар сувлардан, канализация коммуникацияларидан ҳамда қурилиш коммуникацияларидан узоқроқ жойларда қуриш;
- 4) Чиқиш ва кириш эшикларининг бўлиши.

Бошпана маълум жиҳозлар билан жиҳозланиши шарт, жумладан: шамоллатгич, санитар-техник жиҳозлар, ҳаводаги захарли моддаларни, радиоактив бирикмаларни ва биологик воситаларни тозаловчи ускуналардан иборат бўлиши керак.

Бошпана асосий ва қўшимча хоналардан ташкил топади: Асосий хоналарга - одамлар, бошқарув тизимлари, тиббий хизмат тизимлари жойлаштирилади, қўшимча хоналарга жиҳозлар, асбоб-ускуналар, озиқ-овқатлар, сув ва бошқа керакли воситалар жойлаштирилади. Бу бошпаналар жуда мустаҳкам қурилганлиги, герметиклиги юқорилиги ва санитар-гигиена шароити бўлганлигидан халқни бир неча кун давомида беталофат сақлаши мумкин.

Агар фавқулодда вазиятда алоҳида қурилган бошпаналар бўлмаганда тез жиҳозланиб, фойдаланадиган бошпаналар қурилади. Бундай бошпаналарни метрополитенлар, ер ости йўллари, иншоотларнинг ертўлаларини керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозлаб тайёрланади.

Оддий сақловчи бошпана - ертўла. Фуқароларни муҳофаза қилишда оддий сақловчи бошпаналар (ертўлалар) алоҳида ўрин тутади. Ертўлалар қурилиш конструкциясига кўра оддий ҳимоя иншоотлари қаторига киради, чунки уни қуриш жуда қисқа вақтда амалга оширилади. Улар очик ва ёпик кўринишда бўлади. Очик ертўлаларда одамлар радиоактив шикастланишдан икки-уч марта кам зарарланади (агар ертўла дезактивация қилинмаса) ва 20 баробаригача (агар ертўла дезактивация қилинса) кам нурланиш дозасини олади. Ёпик ертўлалар эсарадиоактив зарарланишни 40-50 марта камайтиради. Ертўлалар чуқурлиги 200 см., кенглиги 120 см., пастки қисми эса 80 см., узунлиги эса одамлар сонига қараб тайёрланади.

Очик ертўлада фуқаролар ҳимоя воситаларидан фойдаланган ҳолда сақпанадилар. Ёпикертўлалар радиоактив чангларни, биологик туманларни, кимёвий қуролларни кийм-кечакларга, териларга тушишидан сақловчи бошпана ҳисобланади.

ХАВФЛИ ЗОНАДАН ХАВФСИЗ ЗОНАГА ЭВАКУАЦИЯ ҚИЛИШ

Қирғин қуруллари таъсиридан сақлаш усулларида яна бири - бу фуқароларни фалокат юз берган жойдан вақтинчалик узоқлаштириш ёки буткул эвакуация қилиш ҳисобланади. Иш билан машғул бўлган одамларни ҳарбий вақтда вақтинчалик шаҳардан ташқари ҳудудга ёки бошқа қишлоққа кўчиришни биз узоқлаштириш деб биламиз. Лекин бунда ишчи-хизматчилар вақтинча зарарланган ҳудуддан чиқиб турадилар. Қайтадан яна ишга келганларида ҳамма эҳтиёт чораларини кўриб, ўз фаолиятларини бошлайдилар. Демак, вақтинчалик кўчиришда ишловчи одамлар маълум бир вақт дам олиб келадилар.

Эвакуация деганда ҳаммани бир вақтда бир яшаш жойидан иккинчи яшаш жойига доимий яшаш учун кўчирилиш тушунилади (асосан ишламайдиган фуқаролар, нафақа хўрлар, болалар ва касаллар эвакуация қилинади). Эвакуация қилинганда алоҳида буйруқ бўлмагунча фуқаролар ўша жойда яшаб турадилар.

Хавфсиз ҳудуд хавфли ҳудуддан бирмунча узоқ масофада жойлашган бўлиши ва халққа ҳеч қандай хавф туғдирмаслиги лозим. Яна хавфсиз ҳудуд темир йўл, автомобил йўлларга яқин, ишчи-хизматчиларни ишга олиб бориб, яна қайтиб келиши учун қулай бўлган жойларда ташкил этилади. Ишга боғлиқ бўлмаган ишчилар ҳудуддан узоқроқерга эвакуация қилинади.

Эвакуация қилинган фуқаролар ўша ердаги ишлаб чиқариш корхоналарининг эвакуация қилинган қисмида ишлашлари мумкин.

Кимёвий захарловчиларга қарши якка тартибдаги пакет (ШКП-8).

Бу восита ҳар бир одамда бўлиши шарт. Бу пакет кимёвий захарловчиларни терига, кийимларга, шахсий сақловчи воситаларга тушганда, зарарсизлантиришда фойдаланилади. Бу пакетда дегазация қилувчи идиш эритмаси ва тўртта пахта докали тампон бўлиб, булар полиэтиленли қопчада герметик жойлаштирилган бўлади.

Агар бирор заҳарловчи моддалар териға ёки кийим бошга тушиб қолса, дарҳол, тампон дегазация қилувчи эритмага шимдирилиб, кейин ўша жой артилади.

Дегазация қилувчи эритмалар 3 фоиз H_2O_2 + 3 фоиз NaOH ёки 3 фоиз H_2O_2 + (150 г. натрий силикат аралашмасининг 1л сувдаги эритмаси).

Озиқ-овқат, сув, дон ва уй ҳайвонларини зарарланишдан сақлаш.

ТЕРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВОСИТАЛАРИ

Терини ҳимоя қилиш воситаларига: умумқўшин ҳимоя комплекти, енгил ҳимоя костюми, комбинезон, фартук, филтрловчи ҳимоя кийимлари ва бошқалар киради. Улар кийимларни ва терини РМ, ЗМ, БВдан сақлаш учун мўлжалланган бўлиб, одамни альфа нурланишдан тўла, бета нурланишдан эса 50-70% сақлайди, аммо сингувчи радиациядан (гамма нурлар ва нейронлардан) ҳимоя қила олмайди.




Филтрловчи ҳимоя кийими ЗФО-58

1-комбензон; 2-қалпоқни маҳкамловчи қисм; 3-бош клапани; 4-маҳкамловчи клапан; 5-қўлқопни ушловчи; 6-шлемости (подшлемник) қалпоқни ичидан киядиган бош кийми

Умумқўшин ҳимоя комплекти

Комплект ОП-1 ҳимоя плаши, ҳимоя пайпоқ ва қўлқопдан иборат. Ҳимоя плаши резиналанган матодан тикилган бўлиб, қалпоғи, шпёнка (тугма ўрнида) ва тасмаси бор. Ҳимоя пайпоқ ва қўлпоқ ҳам резиналанган матодан тайёрланган, пайпоқнинг таги брезент ёки резина қўшиб пухталанган.

Шахсий дориқути тузилиши ва вазифалари (ШД-2)
Ионлантирувчи нурлардан, заҳарловчи моддалардан, бактериал воситалардан ва куйишдан сақланишда шахсий дориқутилардан фойдаланади.



Шахсий дориқути – ШД -2

1. – Оғриқ қолдирадиган шприц-тюбик; 2- фосфор органик з.м. заҳарланганда ишлатиладиган тарен таблеткаси; 3- бактериологик воситаларга қарши ишлатиладиган тетрациклин-гидрохлорид; 4- биологик таъсирларга қарши ишлатилувчи сулфодометоксин; 5- радиосақловчи восита (цистамин); 6- радиосақловчи восита калий – йодит; 7- қусишга қарши восита этаперазин

Кичик болаларга ҳам ичиш тавсия этилади, 8 ёшгача бўлганлар:

$\frac{1}{4}$ таблетка, 8-15 ёшгача $\frac{1}{2}$ таблеткадан истмол қилиш мумкин.

РАДИАЦИОН, ХИМИЯВИЙ ВА БАКТЕРИОЛОГИҚ РАЗВЕДКА УСУЛИ ВА ВОСИТАЛАРИ, РАДИОАКТИВ ЗАҲАРЛАНИШ ВА НУРЛАНИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Ядро қуроли портласа, албатта, дарҳол кўринади, аммо радиоактив моддаларни (РМ), заҳарловчи моддаларни (ЗМ) ва бактерияли воситаларни (БВ) махсус разведка ташкил қилиш ва махсус асбоблар ёрдамидагина пайқаш ва аниқлаш мумкин. Радиоактив моддаларни пайқаш ва аниқлаш учун радиацион разведка, заҳарловчи моддаларни пайқаш ва аниқлаш учун химиявий разведка ва бактерияли воситаларни пайқаш ва аниқлаш учун бактериологик разведка ташкил этилади. Булар қанча тез пайқалса, шунча тез ўзига хос огоҳлантириш сигнали берилади ва аҳоли шунча тез ва самарали ҳимоя қилинади. Радиоактив заҳарланиш хавфи туғилганда «Радиоактив

заҳарланиш хавфи» сигнали, химиявий ёки бактерияли заҳарланиш хавфи туғилганда «Химиявий тревога» сигнали берилади.

Кимёвий разведка асбоблари

Ҳозирги вақтда заҳарли моддаларни аниқлаш учун кимёвий разведканинг қўшин асбоблари ВПХР, тиббий ва ветиринария хизматлари кимёвий разведка асбоби ПХР-МВ ишлатилади.

Асбоб (6-расм) сувда, озиқ-овқатларда, ҳавода ва ҳар хил предметларда зарин, зоман, Виикс газларини, иприт, хлорциан, синил кислотасини аниқлаш учун мўлжалланган. Бундан ташқари, бу асбоб ёрдамида сувда синил кислота тузлари, алкаллоидлар, оғир металлларнинг тузлари, ҳавода фозген ва дифозгенни аниқлаш мумкин.

ПХР-МВ асбоби сув, тупроқ ва бошқа материаллардан юқумли касаллик кўзғатувчилар турини аниқлаш, уларнинг намуналарини лабораторияга жўнатишга имкон беради. Асбоб қопқоқли корпусдан, насосдан, индикаторли найчалари бор қоғоз кассеталаридан, куруқ реактивли мато кассеталаридан, пробиркалардан, дрексел склянкаларидан, металл банкадан, бактериологик воситани олиш учун 4 та махсус пробиркалардан ташкил топган. Бундан ташқари, жамламага куракча, қайчи, пипеткалар, пинцет, ёнувчи таблеткалар, пробирка учун посангилар, намуналари бор банкаларга ёпиштириладиган лейкопластир ва полиэтилен халтачалар киради. Асбоб насос коллекторли бўлиб бир вақтнинг ўзида 2, 3, 4 ёки 5 индикаторли найчалари орқали ҳаво сўришга имкон беради.


Сувдаги ЗМларни ва заҳарли бирикмаларни аниқлаш учун белгиланган дрексел пробиркасига маълум реактивлардан фойдаланган ҳолда, реактив рангига қараб ёки унинг рангини стандарт реактив ранги билан солиштириш орқали аниқланади.

Сувдаги зоман, зарин, Ви-икс газларини аниқлашда ампулалар тўпламидан фойдаланилади ва иккита намуна-тажриба, назорат олинади.

Озиқ-овқат намуналаридаги ЗМлар ҳаво экстракцияси усули билан аниқланади. Намуна банкага жойлаштирилиб, у бураладиган металл қопқоқ билан зич ёпилади. Қопқоқ банка

ичига унинг тубигача битта найча туширилади, иккинчиси эгилган бўлиб, ташқарига чиқади. Ушбу чиққан найча индикаторли найчага ва насосга уланади. Ҳаво намуна орқали сўрилади ёки текширилаётган намунали банка билан насос ўртасига сувли дрексел склянкаси жойлаштирилади ва дрексел пробиркаси сувидаги ЗМлар аниқланади.

Юқоридагилардан хулоса қилинадиган бўлса, кимёвий ҳолатни баҳолашда, ҳар доим хизматли тизимларини, тиббиёт хизмати муассасаларини ва аҳолининг жойлашишини ҳисобга олиш керак бўлади, яъни улар кучли заҳарли моддалар ишлатилган ёки заҳарланган ҳаво тарқалаётган жойми, албатта шу заҳарланган ҳудуд ва у ердаги жамики нарсалар кимёвий разведка асбоблари билан таҳлил қилинади.




Кимёвий разведканинг қўшин асбоби – ВПХР (а) ва индикаторлар кассетаси (б)

1-насос; 2-елка қайиши; 3- насос кийдирмаси; 4-ҳимоя қалпоқчалари; 5- тутунга қарши филтрлар, 6-грелкага (қиздиргичга) патронлар; 7-электр фонар; 8-штур; 9-белкуррак; 10-грелка (қиздиргич); 11-индикаторли трубкаларнинг қогоз кассетаси

ИОНЛАНТИРУВЧИ НУРЛАНИШНИ ДОЗИМЕТРЛАШ ВОСИТАЛАРИ ВА УСУЛИ

РМ ва ионлантирувчи нурланишни (нурлар ва нейтронлар) сезги органлари аниқлай олмайди, чунки улар кўзга кўринмайди. Уларнинг ўзи ҳамда дозаси махсус дозиметрик асбоблар: ДП-5А, ДП-5В, ДП-22В, ДП-70 м ва бошқалар ёрдамида аниқланади.



ДП-5 ренгенометр
 1-зонд; 2-туташтирувчи кабел; 3-асбоб
 шкаласи; 4-поддиапазонлар; 5-шкалани
 ёритувчи тумблер; 6-«режим» ручкаси; 7-
 «сброс» кўрсатишни тезда ўчирадиган
 кнопка; 8-телефонлар; 9-контрол
 препарат (бета-нурлагич)

ДП-5В радиометр-рентгенометр. ДП-5В асбоби икки мақсад: 1) рентгенометр сифатида заҳарланган жойларда радиация даражасини ўлчаш (0,05 Р/соатдан 200 Р/соатгача) ва радиометр сифатида одамлар терисидаги, кийимидаги, озиқ-овқатлар, сув, машиналар ва бошқалардаги радиоактив заҳарланиш даражасини ўлчаш (0,05 МР/соатдан 5000 МР/соатгача) учун мўлжалланган.


Асбоб чарм сифатида ишлатиладиган материалдан ишланган ғилофда сақланади, унинг оғирлиги 2 кг га яқин бўлиб ўлчов пулти, пултга эгиловчан кабель билан бириктирилган зонд ва телефоннинг қулоққа тутиб эшитадиган қисми (наушники)дан иборат. Пултнинг панелига микроамперметр, поддиапазонларни кўчирувчи (переключатель), асбобнинг иш режими кескинлигининг регулятори, тунги шароитда ишлаш учун шкаланинг подсвет тумблери, кўрсатган сонларни йўқотиш учун кнопка, телефон наушникни ушлаш учун уя жойлаштирилган. Зонд ичига иккита газоразряд ҳисоблагич ва баъзи бир кучайтирувчи элементлар жойлаштирилган.

Жойларнинг радиактив моддалар билан зарарланиш даражасини аниқлаш учун: поддиапазон переключателини «200» вазиятга ва зондни «Г» вазиятга (туйнук берк) қўйиб, ердан 80-100 см баландликдан ушлаб турилади. Агар жойлар РМ билан заҳарланган бўлса, апмерметр стрелкаси сурилади.

Агар заҳарланиш даражаси бундан ошса, санитария обработкадан ўтиш шарт. Буюмлар, сув, озиқ-овқат дезактивация қилинади.

ДП-22В шахсий дозиметрлар комплекти. ДП-22В комплекти заҳарланган территориядаги одамларнинг


нурланишини назорат қилиш учун мўлжалланган. Бу комплект пластмасса кути, 50 дона ДКП-50А индивидуал дозиметр ва зарядли қурилмадан иборат.



ДП-22В ва ДП-24 комплекти:

*1-тўғри кўрсатувчи чўнтак дозиметрлари (ДКП-50А);
2- зарядловчи қурилма*

ДКП-50А (бевосита 50 рейнтгенни кўрсатувчи чўнтак дозиметри) одам заҳарланган жойга келгандан бери олган гамма нурланиш дозасини 2 дан то 50 р гача диапозонда ўлчаш учун мўлжалланган.



ДКП-50А дозиметрини:

1-окуляр; 2- шкала; 3-дозиметр корпуси; 4-ҳаракатланувчи платинали ипча; 5-ички электрод; 6-конденсатор; 7-ҳимоя таянчи; 8-кўриш ойнаси; 9-ионланиш камераси; 10-объектив; 11-ушлагич; 12-12 тешикли фасон гайка

Асбобдан фойдаланиш усули. ДКП-50А дозиметрини дастлаб заряд қурилмаси ёрдамида зарядлаш керак.

Зарядланган дозиметрлар РМ билан зарарланган жойларда ишлаши керак бўлган кишиларга берилади. Гамма нурларнинг дозиметрга таъсири натижасида конденсатор электрсизланади ва ип нурланиш дозасига қараб шкала бўйлаб ҳаракатга келади. У окулярни ёруғда кузатиш орқали аниқланади. Иш тугагач, дозиметрли киши ва унинг атрофдаги кишиларнинг нурланиш дозаси алоҳида журналга ёзилади.

Фавкулотда вазиятда аҳолини ҳимоялаш

Фавкулотда вазиятда аҳолини қирғин қуроллари таъсир факторлардан, табиий офатлар, авария, ҳалокат оқибатларидан сақлаш учун ҳимоя иншоотлари (бошпана) ва шахсий ҳимоя воситалари ёрдамида фуқороларни муҳофаза қилинади.

Шахсий ҳимоя воситалари

Шахсий ҳимоя воситалари инсон танасига ички органларга терисига ва кийим кечакларига радиоактив моддаларни заҳарли бирликмаларни тушушдан сақлайди. Шахсий ҳимоя воситалари қўлланишига кўра терини сақловчи нафас органларини юз қўзни сақловчи турларга бўлинади.

Газниқоблар нафас йўллари юз-қўзларни ҳар хил заҳарли таасирларда сақлайди. Газниқоблар филтрловчи ва изоляцияловчи хилларга бўлинади: ГП-5, ГП-5М. филтрловчи газниқоблар асосан 2 қисмдан иборат: ниқобдан ва филтровчи қутидан ташкил топган.

Ниқоб табиий ёки сунъий каучук асосида олинган резина материалларидан тайёрланиб, унга кўриш учун ойнак ва нафас олиш ва чиқариш учун жиҳоз жойлаштирилган.

АЙИРУВЧИ ЁКИ ИЗОЛЯЦИЯЛОВЧИ ПРОТИВОГАЗ

Сув босган бошпана ва биноларда, тоза ҳаво етишмаслиги аниқланган жойларда қутқариш ишлари олиб борилганда, изоляцияловчи противогаздан фойдаланиш керак бўлади. Бундай противогазларнинг бир неча тури (КИП-5, ИП-46 ёки ИП-46м) маълум. КИП-5 противогазда нафас олиш учун кислород чиқадиган баллон, шунингдек, ажралиб чиққан карбонат ангидрид газини ютиб турувчи патрон бор. ИП-46 ёки ИП-46м противогаз кўпроқ тарқалган.

ИП-46 (ёки ИП-46м) изоляцияловчи противогаз қуйидаги асосий қисмлардан иборат:

- 1) қат-қат букланувчи найчали юз қисми;*
- 2) натрий пероксид тўлдирилган регенератив патрон. У химиявий боғланган кислородни ажратиб, ажралиб чиқаётган ҳаводаги карбонат ангидрид ва сув бугларини ютади;*

- 3) регенератив патроннинг уясига ўрнаштирилган гайка;
- 4) нафас олиш учун резина халта;
- 5) дюралюминийдан ишланган каркас (гилоф). Противогаз сумкада олиб юрилади.

ИП-46 противогазни жанговар ҳолатга келтириш учун ишга туширувчи брикет ва кислотали ампула чуқурчага жойланади ва дастлабки кислород ажралиб чиқиши учун ишга туширувчи мосламанинг кнопкасини босиб, шлем-маска бошга кийилади.

Регенератор патроннинг ҳаракат вақти, ундаги кислород запасига қараб белгиланади оғир иш бажарилганда бир соатга, ўртача нагрузкада 2 соатга, тинч ҳолатда 4-5 соатга етади; сув остида 30 минутдан ортиқ қолишга рухсат этилмайди.

Противогаз маълум даражада одам организмига таъсир этади ва ишга ҳалақит беради. Бунга сабаб, биринчидан, у нафас олишни қийинлаштиради, иккинчидан, унинг маски остидан чиқадиган ҳаво билан ташқаридан келадиган ҳаво орасида «зарарли» масофа ҳосил бўлади.. Бу масофада карбонат ангидрид миқдори 4% гача, кислород кам бўлади. У ҳаво қайтадан ўпкага боради; учинчидан, маска юздаги нерв ва қон томирларини сиқади, противогаз размери нотўғри танланганда эса оғриқ сезилади, кўриш доираси кичраяди, юз терлайди, тери қичишиб, қизариши мумкин, резинка ҳиди келади ва ҳоказо. Шу факторларнинг таъсирини камайтириш учун противогаз размерини тўғри танлаб, у билан ишлашни, чуқур нафас олишни машқ қилиш керак.

Оғир аҳволдаги бемор ва шикастланганларга узоқ муддат противогаз кийдириш мумкин эмас.

Газниқобларнинг ўлчами 2 хил усулда аниқланади:

- а) юзнинг ўлчамини аниқлаш орқали;
- б) дахан билан қош суяги орасидаги масофани ўлчаш орқали. Биринчи услуб билан 63 см. гача 0-ўлчам, 1-ўлчам 63,5-65,5 см. гача. 2-ўлчами 66-68 см. гача, 3-ўлчам 68,5-70,5 см ва 4-ўлчам 71 см ва ундан катта.

Иккинчи услуб билан 3 хил ўлчамда ганзниқоблар ишлаб чиқарилади.

- 1-ўлчам – 99-109 мм. гача;
- 2- ўлчам – 109-119 мм;
- 3- ўлчам – 119 мм. дан. катта.

Болалар газниқоби ўлчамини топишда уларнинг юз баландлигини ўлчаб, сўнгра 19-жадвалдан фойдаланиб, газниқоб ўлчови аниқланади. Газниқобни ишлатишдан олдин ҳар бир фуқаро уни сақлаш хусусияти бузилмаганлигини текшириб кўриши, унинг герметиклигини қайта текшириши лозим. Текширилган иш ҳолатидаги газниқоблар яхшилаб тахланиб қайтадан сумкага солинади ва сақлаш учун жойига қўйилади.

Бу восита 130 г. бўлиб, сақланиш муддати – 3 йил. Дориқутига дорм ва моддалар ва қирғин қуроллари таъсирига қарши курашадиган протекторлар жойлаштирилган:

а) шахсий табиёт дориқутисига оғриқ қолдирадиган шприц – тубик нинаси билан жойлаштирилган;

б) фосфор органик заҳарли моддалар билан заҳарланганда ишлатиладиган тарен-6 таблетка дориси бор. Бу доридан кимёвий огоҳлантиришда бир таблеткадан ичилади;

в) бактериологик воситаларга қарши ишлатиладиган дори «№1» (оқ шишада-тетрациклин гидрохлорид) жойлашган. Бу доридан бактериологик қурол ишлатилганда, жароҳатлар олган ва қуйганлар учун фойдаланилади. Бунда бир йўл 5 та таблетка ичилади ва 6 соатдан кейин яна 5 таси ичилади (вабо, ўлат, сибир яраси).


г) биологик таъсирларга қарши ишлатилувчи (сулфодометоксин-15 таблетка дориси) қўйилган. Бу дорини ошқозон-ичак касали бошланганда бир йўла 7 та таблеткаси ва кейинги кунларда 4 тадан ичилади;

д) радиосақловчи восита №1 (цистамин) жойлашган бўлиб, у 7 нурланиш юз берганда бир йўла 6 та таблеткаси ичилади;

е) радиосақловчи восита №2 (калий йодит) бўлиб, ҳар кун битта таблеткадан ичилади (10 кун майбонида). Бу дори радиоактив чанглар тушганда истеъмол қилинади.

ж) қусишга қарши ишлатиладиган восита-этаперазин (ҳаво рангли шишада) жойлатирилган. Бу доридан одам нур қабул қилганда, эти узилганда ичиш тавсия этилади.

Юқорида қайд этилган дориларни кичик болаларга ҳам ичиш тавсия этилади, 8 ёшгача бўлганлар: $\frac{1}{4}$ таблетка, 8-15 ёшгача $\frac{1}{2}$ таблеткадан истеъмол қилиш мумкин.



Филтровчи фуқаролар газниқоби ГП-5

1. – филтровчи-ютувчи қути; 2-шлем-ниқоб; 3-ҳалтача; 4-терламайдиган пленкалар солинган қутича; 5-манжетлар

Нафас олиш органларини химоя қилишнинг оддий усуллари

Нафас олиш органларини радиоактив чанглардан, ЗМ нинг аэрозоль зарраларидан ва бактериал аэрозоллардан химоя қилиш учун респираторлардан, матодан тикилган чанг ўтказмайдиган маскалардан, пахта-дока боғичлар ва бошқа воситалардан фойдаланиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси буғ ва суюқ ҳолдаги ЗМ аэрозолларидан химоя қила олмайди, чунки улар фақат филтрлайди холос, уларда активлаштирилган кўмир йўқ.

Р-2 респиратори нафас олиш, нафас чиқариш клапанлари, бурун қисқичи ва тасмалари бўлган ярим маска. Респираторни кийиш учун ярим маска юзга кийилади, энгак ва бурун унинг ичида қолиши керак, тасмалар бошга тортилади. Керак бўлганда тасмаларнинг узунлигини ўзгартириб, бурун қисқичининг учини бурунга қаттиқ босиб туриш керак.

ШБ-1 респиратори – «Лепесток» синтетик филтрловчи материалдан тайёрланган бўлиб, бир марта фойдаланиш учун мўлжалланган. Кийиш учун респиратор пакетдан олиниб, резина шнурининг учи тахминан керак бўлган узунликда чўзиб боғланади, энгакдан бошлаб юзга кийилади, алюминий пластинка қаншар шаклида қисилади ва тасмалар энсага боғлаб қўйилади.

Пахта-дока боғични аҳоли тайёрлайди. Бунинг учун 100х60 смли дока олиниб, ўртасига эни ва бўйи 20х30 см ва

қалинлиги 1-2 см қилиб пахта солинади, сўнг у дока билан ўралади. Доканинг учларини 25-30 см дан кесиб боғич қилиб қўйилади. Боғич энгак, оғиз ва бурун беркиладиган қилиб тутилади. Боғич учлари бошнинг тепа суяги ва энса устидан боғланади.

Чангга қарши матоли маска – ПТМ-1 ойнали корпусдан ва боғичдан иборат. Масканинг корпуси матодан 4–5 қават қилиб тикилади (устки ва ички қатлами хомсуруп ёки полотнодан, ички уч қатлами эса пахтадан ишланган мовут, пахмоқ ёки бошқа тукли матодан бўлади), кўрадиган тешикларга размери 5,5х4,5 см ли ойна қўйилади. Боғич 35х70 см қилиб полотнодан тикилади. Маска бошга ёпишиб туриши учун юқориги чокка резина қўшиб тикилади, кўндалангига ҳам резина қўйилади. Пастда боғич бўлади. ПТМ-1 ни тайёрлаш инструкциясида 7 та размер кўзда тутилади. Уйда тикилганда бошга ўлчаб тикилади. Масканинг чети пешонага, чаккага, ёноққа ва энгакка зич ёпишиб туриши керак.

Нафас органларини сақлаш учун бирон бир восита топилмаганда дастрўмол, шарф, сочиқ ва шунга ўхшашлар билан оғиз ва бурунни бекитиш керак.

ЎЗБЕКИСТОНДА КУЗАТИЛАДИГАН ТАБИЙ ОФАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Режа:

1. Табиий офатларнинг турлари.
2. Ер силкинишининг турлари.
3. Сув тошқинига сабабчи омиллар.

Дарс мақсади: Табиий офатлар тўғрисида маълумот бериш.

Керакли жиҳозлар: Плакат, схема

Таянч сўз ва иборалар:

1. Табиий офат. Ер силкиниши. Эпицентр, гипоцентр. . Сув тошқини. Кучли шамол. Ер силкинишига чидамли иншоотлар. Ер сурилиш белгилари. Селлар.

Дунёда шу даврга қадар табиий офатлар доимий равишда бўлиб келди ва бундан кейин ҳам юз бериши эҳтимоллари кўп.

Табиий офат – бу табиатда юз берадиган фавқулоддаги ўзгариш бўлиб, у бирдан, тезликда инсонларнинг мўътадил яшаш, ишлаш шароитларининг бузилиши, одамларнинг ўлими ҳамда қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг, моддий бойликларнинг йўқ бўлиб кетиши билан тугайдиган ҳодисалардир.

Табиий офатларнинг турлари хилма-хил ер силкиниши, сув тошқини, кучли шамол, ёнғин, қурғоқчилик, ер сурилиши ва бошқалар. Бу хилдаги табиий офатлар бир-бирига боғлиқ ҳамда боғлиқ бўлмаган ҳолда алоҳида юзага келиши мумкин. Яъни бир табиий офатнинг бошқа офат оқибатида юзага келишидир. Масалан, ўрмонда ёнғинларнинг келиб чиқиши, тоғли жойлардаги ишлаб чиқариш портлашлари, платиналар қуришда ернинг сурилишига, қорларнинг кўчиши ва бошқа офатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган табиий офатлар жуда катта миқёсда ва турли вақтларгача бир неча сония дақиқадан (ер сурилиши, ер силкиниши, қор кўчиши) бир неча соатларгача (кучли қор ва ёмғир ёғиши), ҳатто кун ва ойгача (сув тошқини ва ёнғин бўлиши) чўзилиши мумкин.

Табиий офатлар ҳамма жойларда ҳам юзага келавермайди. Жумладан, ер силкиниши, ер сурилиши офатлари кўпроқ тоғли ҳудудларда кузатиладики, бунинг оқибатида нафақат инсонлар, балки халқ хўжалиги тармоқлари, ҳатто атроф-муҳит қаттиқ шикастланади.

Яна кучли ёғингарчилик, қор ёғиши натижасида сув тошқини кузатиладики, оқибатда, фуқароларнинг яшаш жойлари, саноат корхоналари, темир ва магистрал йўллар, гидротехник иншоотлар издан чиқади.

Худди шунга ўхшаш таъсирлар ер сурилиши, қор кўчиши, қурғоқчилик, кучли шамоллар таъсирида ҳам кузатилиб, охир-оқибатда инсонлар катта-ҳам маънавий, ҳам моддий зарар кўрадилар.

Табиий офатнинг ҳар қайси шакллари ўзларининг физик маъносига, келиб чиқиш сабабларига, ўзларининг тавсифига, кучига ва ташқи атрофга таъсир кўрсатиш хусусиятларига эга. Табиий офатларни ўз вақтида билиб, унинг тавсифлари ва сабаблари аниқ ўрганилса, бу офатларнинг олдини олиш ёки уларнинг зарар келтириш хусусиятлари бирмунча камайтирилган бўлади.

Табиий офатларга қарши кураш чораларидан бири бу халқни ўз вақтида воқиф этиш ҳисобланади. Бу эса табиий офатдан келадиган зарарларни бирмунча камайтириш имкониятини вужудга келтиради.

Ер силкиниши ва унинг оқибатлари

Ер силкиниши юзага келиш сабабларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- Тектоник zilзилар.
- Вулқон zilзилар.
- Афдарилиш, ўпирилиш zilзилар.
- Техноген (инсоннинг муҳандислик фаолияти билан боғлиқ) zilзилар.

Ер силкиниш кучига қараб қуйидаги ҳолатлар кузатилади:

1 балл – сезиларсиз, фақатгина сейсмик асбоблар қайд қилади;

2 балл – жуда кучсиз, уй ичида ўтирган баъзи одамлар сезиши мумкин (дераза ойналари титрайди);

3 балл – кучсиз, кўпчилик одамлар сезмайди, очиқ жойда тинч ўтирган одам сезиши мумкин. Осилган жисмлар аста-секин тебранади;

4 балл – ўртача сезиларли. Очиқ жойда, бино ичида турган одамлар сезади. Уй деворлари қирсиллайди. Рўзгор анжомлари титрайди, осилган жисмлар тебранади;

5 балл – анча кучли. Ҳамма сезади, уйқудаги одам уйғонади, баъзи одамлар ҳовлига югуриб чиқади. Идишлардаги суюқлик чайқалиб тўкилади, осилган уй жиҳозлари қаттиқ тебранади;

6 балл – кучли. Ҳамма сезади, уйқудаги одам уйғонади, кўпчилик одамлар ҳовлига югуриб чиқади. Уй ҳайвонлари бетоқат бўлади. Баъзи ҳолларда китоб жавонидаги китоблар, рўзгор буюмлари, жавонлардаги идишлар ағдарилиб тушади;

7 балл – жуда кучли. Кўпчилик одамларни қўрқув босади, кўчага югуриб чиқади, автомобил ҳайдовчилари ҳаракат вақтида ҳам сезади, уй деворларида катта-катта ёриқлар пайдо бўлади, ҳовузлардаги сув чайқалади ва лойқаланади.

8 балл – емирувчи. Хом гиштдан қурилган иморатлар бутунлай вайронага айланади, анча пишиқ қилиб қурилган иморатларда ҳам ёриқлар пайдо бўлади, уй тепасидаги мўрилар йиқилади, баъзи дарахтлар бутун танаси билан йиқилади, синади, тоғлиқ жойларда қулаш, сурилиш ҳодисалари юз беради.

9 балл – вайрон қилувчи. Ер қимирлашига бардош берадиган қилиб қурилган иморат ва иншоотлар ҳам қаттиқ шикастланади. Оддий иморатлар бутунлай вайрон бўлади, ер юзасида ёриқлар пайдо бўлади, ер ости сувлари сизиб чиқиши мумкин.

10 балл – яксон қилувчи. Ҳамма иморатлар яксон бўлади. Темир йўл излари тўлқинсимон шаклга келиб бир томонга қараб эгилиб қолади, ер ости коммунал қувурлари узилиб кетади, чўқиш ҳодисалари юз беради. Сув ҳавзалари тўлқинланиб қиргоққа урилади, қояли ён бағрларда ката-катта сурилиш ҳодисалари содир бўлади.

11 балл – фожиаи. Ҳамма иморатлар деярлик вайрон бўлади, тўғонлар ёрилиб кетади, темир йўллар бутунлай ишдан чиқади, ернинг устки қисмида ката-катта ёриқлар пайдо бўлади, ер остидан балчиқлар кўтарилиб чиқади, сурилиш, қулаш ҳодисалари ниҳоясига етади.

12 балл – кучли фожiali. Ернинг устки қисмида ката ўзгаришлар юз беради. Ҳамма иморатлар бутунлай вайрон бўлади, дарёларнинг ўзани ўзгариб шаршалар пайдо бўлади, табиий тўғонлар вужудга келади.

Иншоотлар кўрадиган талафотлар қуйидагичи таснифланади.

1 - даражали талафот. Бунда енгил шикастланиш юз беради.

2-даражали талафот. Оғир бўлмаган шикастланиш содир этилади, деворларда катта бўлмаган ёриқлар пайдо бўлади.

3-даражали талафот. Иншоотларнинг оғир шикастланиши юз беради, деворларда катта ва чуқур ёриқлар пайдо бўлади.

4-даражали талафот. Иморат ва иншоотлар ички деворларининг тўлиқ бузилиши юз беради.

5-даражали талафот. Иморат ва иншоотлар тўлиқ бузилиши содир бўлади.

Ер силкиниш оқибатларини тугатиш чора-тадбирлари

Ер силкинишининг оқибатларини тугатишда ишга яроқли ҳар бир киши иштирок этиши зарур ва қуйидаги ишлар бирламчи ҳисобланади:

- Ер тагида, бузилган ва ёнаётган уйда қолган одамларни қутқариш.
- Ишлаб чиқариш, коммунал-энергетки тизимларда содир бўладиган аварияларнинг олдини олиш ва тўғрилаш (чунки булар инсон ҳаётига хавф солади).
- Бузилган уйларни, иншоотларни тиклаш.
- Талафот кўрганларга тиббий ёрдам кўрсатиш шаҳобчаларини тайёрлаш.
- Ер силкиниш ўчоғида сув таъминотини тиклаш

Сув тошқини ва унинг талафотлари

Сув тошқини ҳам табиий офатлар ичида энг хавфлиси ҳисобланади. Сув тошқини деб дарё, кўл, ҳовузлардаги сув сатҳининг кескин кўтарилиши натижасида маълум майдонлардаги ерларни сув тагида қолишига айтилади.

Сув тошқинига турли омиллар сабабчи бўлади:

- Кучли ёмғир ёғиш оқибатида (жала, сел куйиши);
- Қорларнинг сурункали эриши натижасида;
- Кучли шамол эсиши натижасида;
- Оқар дарёлардаги музликларнинг йиғилиб, сунъий тўғон ҳосил қилиши;

- Тоғ жинсларининг нураши, сурилиши ёки бошқа сабаблар билан сув сақлаш омборларининг бузилиши оқибатида.

Кучли ёмғир ёғиши натижасида сувларнинг сатҳи кескин кўтарилиб, дарё, кўлларга сиғмайди ва натижада экин майдонларини, турар-жой массивларини, йўлларни сув босади ва уларни издан чиқаради. Булардан ташқари, электр энергия, алоқа узатгичлар, меллиоратив тизимлар ишдан чиқади, чорва моллари, қишлоқ хўжалиги экинлари йўқ бўлиб кетади, хом ашёлар, ёқилғи, озиқ-овқатлар, минерал ўғитлар ва бошқалар яроқсиз ҳолга келади ёки йўқ бўлиб кетади. Шулар натижасида жуда ката моддий зарар кўрилиб, инсонлар ўлими содир бўлиши мумкин.

Сув сақлайдиган омборларни ҳар хил фалокатлардан асраш учун ҳамма турдаги омиллар, эҳтиёт чоралари кўриб қўйилган бўлиши зарур. Жумладан, бирламчи ва иккиламчи сақловчи платина қуриш, ҳар бир бошқа сақловчи омиллар белгиланиши зарур.

Сув тошқини пайтида маълум қисм одамлар (кут-қарувчилар) шу фалокат ҳудудида қолиб, имкони борича қилинадиган ишларни бажаришлари зарур. Аммо улар сув остида қолган овқатларни емасликлари, сув ичмасликлари керак. Яшаш жойларида электр жиҳозлардан фойдаланмасликлари лозим, чунки электр таъминот симлари қўлланганда кичик қаршилик бўлиши натижасида ёнғинлар чиқишига олиб келади. Сув тошқини ўтиб бўлгандан кейин фуқаролар ўзларининг доимий яшаш жойларига қайтиб келиб, тошқин оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирларини бошлаб юборадилар. Улар қуйидагилардан иборат:

- Сув босган жойлардаги сувни чиқариб ташлаш ва қуриштиш;
- Уйларнинг ертўлаларидаги сувларни чиқариб ташлаш;

- Тошқин натижасида бузилган жойларни: маиший-энергетик тармоқларни, йўлларни, кўприкларни ва бошқаларни қайта тиклаш;

- Қайта тиклаб бўлмайдиган иншоотларни, уйларни йиқитиш ва уларни тозалаш;

- Экинзорларни сувдан тозалаш.

Ер сурилиши, унинг сабаблари ва талафотлари

Тоғ жинслари қатламларини қия сатҳ бўйлаб ўз оғирлиги, гидродинамик, гидростатик, сейсмик кучлар таъсирида сурилишига ер сурилиши дейилади. Ер сурилишининг вужудга келиш қонуниятларини, уларнинг динамикасини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Бу – қурилиш ишларини олиб бориш шароитини аниқлашда, халқ хўжалиги иншоотларини ва инсон ҳаётини сақлашда муҳим омил ҳисобланади. Ер сурилиши оқибатида халқ хўжалиги катта зарар кўради, баъзи йирик иншоотлар, йўллар бир неча юз метрга суриб ташланади, катта-катта экин майдонлари фойдаланишга бутунлай яроқсиз бўлиб қолади, бутун-бутун қишлоқлар, шаҳарлар вайрон бўлади, минглаб кишилар бошпанасиз қолади, ҳалокатга учрайди.

Ер сурилиши – тоғ жинсининг сурилиш тезлиги ҳамда сурилувчи тоғ жинсини миқёс даражасига кўра турли хилда бўлиши мумкин.

Ер сурилишининг юзага келишига қуйидаги омиллар сабаб бўлади:

- Тоғ ён бағри этакларининг табиий ҳолатини оқар сувлар, сув омборлари таъсирида бузилиши ҳамда режасиз олиб борилган қурилиш ишлари;

- Қия сатҳларда тарқалган тоғ жисмларининг хосса ва хусусиятлари, мустаҳкамлик даражасининг ўзгариши, суғориш ишлари, қор-ёмғир сувлари таъсирида намлигининг ошиши;

- Тоғ жисмларига ер ости сувлари (гидродинамик) ва ер устки сувлари (гидростатик) босимининг таъсири;

- Тоғ жинси зичлигини ва мустаҳкамлигининг, бурғилаш ҳамда тоғ-ковлаш ишлари натижасида бузилиши;

- Тектоник ва сейсмик кучлар таъсири. Сурилишларни юзага келишида ҳудуднинг иқлим ҳамда гидрогеологик шароитлари ва бошқалар.

Ер сурилишида учта босқич кузатилади:

1-босқич. Сурилишнинг тайёрланиш босқичи. Бу босқичда қия сатҳлардаги тоғ жинси турғунлиги сусаяди, ер сатҳида турли кенгликдаги ёриклар пайдо бўлади.

2-босқич. Тоғ жинсларининг катта тезлик билан ёки секин аста сурилиши кузатилади. Сурилиш тезлиги юқорида қайд этилган омилларнинг таъсир даражасига боғлиқ бўлади.

3-босқич. Сурилишнинг сўниш босқичи. Бунда тоғ жинслари сурилишдан тўхтайдди.

Ер сурилишларининг олдини олиш усуллари

Ер сурилишларининг олдини олиш усулларига:

- *қия сатҳларда қурилиш ва улар билан боғлиқ бўлган кавлаш ишларини олиб бормаслик;*
- *қия сатҳларда тоғ жинси тўкилмаларининг йиғилишига йўл қўймаслик;*
- *темир йўл, транспорт воситалари ҳаракат тезлигини белгилангандан ошишини тақиқлаш;*
- *қия сатҳлардаги ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш;*
- *қия сатҳларда сугориш, шудгорлаш ишларини олиб бормаслик каби ишлар киради.*

Ер сурилиши офатидан сақланишнинг ишончли омили, бу халқни ўз вақтида огоҳ этиш ҳисобланади. Ҳозирги кунда ҳам республикаимизнинг баъзи вилоятларида ер сурилиши эҳтимоли бор ҳудудлар мавжуд бўлиб, ҳукуматимиз ва фуқаро муҳофазасининг мутасадди ходимлари томонидан доимий равишда хавфли минтақада яшовчи фуқаролар огоҳлантириб борилмоқда.

КУЧЛИ ШАМОЛ, ҚУРҒОҚЧИЛИК ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Кучли шамол ҳам инсонлар ҳаётига ва халқ хўжалигига жиддий зарар етказадиган офатдир. Бу офат узоқ давом этувчи ва бузиш кучига эга. Бу офатнинг тезлиги 30-90 м/с.га етади. Ўрта Осиё минтақаларида шамолнинг кучи 40-60 м/с.га, Ўзбекистоннинг Ховос, Бекобод туманларида эса 50-60 м/с.ни

ташкил этади. Кучли шамолнинг пайдо бўлиши, яъни атмосферада мувозанатнинг бузилиши натижасида ҳаво оқими жуда катта тезликда ҳаракатланиб, баъзи жойларда, у ўрама (воронка) ҳаракатга айланиб кетад. Бундай офат оқибатида одамларнинг ҳалок бўлиши, иншоотларнинг бузилиши, экинзорларнинг пайҳон этилиши, электр-телефон тармоқларининг издан чиқиши ва бошқа оқибатларга олиб келади. Кучли шамол эсганда одамлар, уй ҳайвонлари юрадиган йўллардан адашадилар, симёғочлар, дарахтлар ағанайди, уйларнинг томлари бузилиши натижасида одамлар турли даражада жароҳат оладилар.

Шунинг учун бундай фавқулодда ҳолатда одамлар енгил, баланд қурилган иморатлардан, электр тармоқлари осилган симёғочлардан, кўприклардан узоқроқ жойларда сақланишлари лозим. Бу офатдан энг ишончли сақловчи омил – бу ҳимоя иншоотлари (метро, ер ости йўлаклари, уйларнинг ертўлалари ва бошқалар) ҳисобланади.

Бу офатдан сақланишнинг яна бир омили-офат ҳақида одамларни ўз вақтида огоҳ қилишдир.

Кучли шамол офати юз берганда фуқаро муҳофазаси тизимлари давлат органлари ходимлари бошчилигида қутқарув ва бузилган жойларда тиклаш ишларини бажаради, жабр кўрганларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатади.

Қурғоқчилик офати ҳам Ўзбекистонга хос бўлиб, илгари бунга деярли эътибор берлмаган. Лекин кейинги йилларда экологиянинг ҳаддан ташқари бузилиши, сув ресурсларидан нотўғри фойдаланиш ва бошқа сабаблар оқибатига бизнинг минтақада ҳам бундай офат айнан ҳозирги пайтда кузатилмоқда.

Қурғоқчиликда одамларнинг ўлими, дарахтларнинг, экинзорларнинг қуриши, кучли ёнғинларнинг чиқиши ва турли хил касалликларнинг тарқалишига имконият яратилади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда қурғоқчилик муаммоси Орол денгизи билан боғлиқдир.

Маълумки, Орол денгизи суви йилдан – йилга камайиб, қуриб бормоқда. Бунинг оқибатида денгизга яқин бўлган жойларда довдарахтлар, экинзорлар қуриб, турли хил касалликлар кўпайиб боряпти. Маълумотларга кўра, Амударё сувининг бор-йўғи 10 фоиз миқдори Орол денгизига қуйилмоқда.

Аммо ҳозирги вазиятдан денгизга қуйилаётган сув ҳажмидан кўра, атмосферага буғланаётган сув миқдори бир неча баробар кўпдир. Шу сабабдан ҳозирги кунга келиб, Орол денгизи сувининг баландлиги тахминан 17м. га пастга тушиб кетган, яъни 1960 йилларда унинг баландлиги 53 м.ни ташкил этган бўлса, 2000 йилда у 36м.ни кўрсатди. Энди Оролни илгариги ҳолатига қайтариш учун унга 30км³ сув қуйиш керак, бу деган сўз бутун бошли Сирдарё сувини тўлиқ қуйиш билан баробардир.

Сел, унинг хусусиятлари ва талафотлари

Тоғ ҳудудларида кучли ёмғирларнинг ёғиши, музлик ва қорларнинг тез эриши натижасида ҳосил бўлган дарё тошқинларини, тоғ ён бағриларида нураган тоғ жинси бўлақларини сув оқими билан текисликка томон оқизиб туширилиш сел ҳодисаси деб юритилади.

Сел – арабча сўз бўлиб, тоғлик ҳудудлардаги сув тошқини маъносини англатади.

Сел оқимлари ўзи билан олиб келадиган қаттиқ заррачаларининг ўлчамига қараб уч гуруҳга бўлинади:

- сув-тошли селлар;
- лойқаселлар;
- аралаш селлар.

Сел ҳодисасини бартараф қилиш мақсадида олиб бориладиган ишлар илмий-амалий хулосаларга, чора-тадбирларга асосланган бўлмоғи керак.

Булар қуйидагилардан иборат:

1. Сел бўлиши мумкин бўлган дарёларнинг сув йиғиш майдонларида доимий кузатиш ишларини олиб бориш. Бунда сув йиғиш майдонида бўшоқтоғ жинслари йиғилишининг олдини олиш, оқар сувлар оқимига тўсқинлик қилувчи табиий ва сунъий тўсиқлардан тозалаш ишлари;

2. Сел оқими юзага келиши мумкин бўлган дарёларнинг сув йиғиш майдонларини муҳофаза қилиш, яъни бу майдонларда ўсимлик дунёсини саклаш, дарахтлар ва буталарни кесиш, майдонларда шудгорлаш ва суғориш ишларини олиб боришни чегаралаш;

3. Ўрмон хўжаликларини ривожлантириш, яъни тоғ ён-бағирларида буталар ва дарахтларнинг экилишини йўлга қўйиш талаб этилади, чунки бу ўсимликлар тоғ жинслари қатламларини мустаҳкам ушлаб туради, қор эришини секинлаштиради, ер юзасини ювилишдан сақлайди;

4. Тоғли ҳудудлардаги дарёларнинг ўзанида сув оқимини бошқарувчи иншоотлар қуриш, табиий, сунъий тўғонларни тартибга солиш, темир йўл, автомобил йўллари остига сел ўтказувчи катта диаметрли қувурлар ётқизиш ишлари.

Қутқарув ва бирламчи тиклов ишларининг ташкилий асослари

Шикастланган ўчоқларда ҚБТИни олиб боришдан мақсад, фуқароларни қутқариш ва зарарланган одамларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш, қутқарув ишларини амалга оширишда ҳалақит берадиган аварияларни тўсиш, шикастланган жойларни тиклаш ишларини амалга оширишда шароитни яратиш ва бошқа вазифаларини бажариш кўзда тутилади.

Умумий қирғин қуроллари қўлланилганда қуйидаги қутқарув ишлари бажарилади:

- Объектлар томон тизимларнинг ҳаракатланиш йўлларини разведка қилиш;
- Шикастланган объектларда ҳаракат қилишда ёнғинларни ўчириш ва тўсиш;
- Заҳарланган, ёнғинли, газга тўлган, сув босган жойларда ва ер остида қолган одамларни топиш ва қутқариш;
- Шикастланган, бузилган ва заҳарланган ҳимоя иншоотларидаги фуқароларни қутқариш;
- Ҳаво алмаштиргичи бузилган, шикастланган ҳимоя иншоотларига ҳавони етказиб бериш;
- Шикастланган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни даволаш шаҳобчаларига элтиб қўйиш;
- Хавфли ҳудуддаги фуқароларни хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилиш;
- Одамларни санитар қайта ишловдан ўтказиш, уй ҳайвонларига ветеринар қайта ишлов бериш, техника, кийим-кечак, озиқ-овқат, хом ашё, сув ва ем-ҳашакларни дезактивация ва дегазация қилиш.

Бошқа бирламчи тиклов ишларига қуйидагилар киради:

- шикастланган ҳудудлардаги (заҳарланган, йиқилган, бузилган иншоотлар) йўллари тозалаш;
- қутқарув ишларини олиб боришда газли, электрли, сувли, канализация ва технологик тизимлардаги аварияларни тўсиш ишлари;
- шикастланган иншоотларни бузиш ёки уни мустаҳкамлаш;
- алоқа ва коммунал-энергетик тармоқлардаги фалокатларни тузатиш ва тиклаш ишлари;
- турли хилдаги портловчи қисмларни, портловчи аслаҳаларни топиш, зарарсизлантириш ва йўқотиш ишлари.

ҚБТИ ишлари куну тун, доимий равишда, ҳар қандай табиий шароитда олиб борилади. Умумий қирғин қуролларининг шикастланиш ўчоғида ҚБТИни ташкилий олиб бориш учун, тинчлик давридаёқ туман фуқаро муҳофазасининг бошлиғи қарори билан фуқаро муҳофазаси кучларининг ҳаракат қилиш йўллари тузилади.

Кимёвий шикастланган ўчоқда қутқарув ишлари бирмунча олдингисидан фаркданади. Бу ҳолатда биринчи навбатда огоҳлантириш белгиси «Кимёвий тревога» берилиб, дарҳол ўша жойга радиация, кимёвий ва тиббий разведка бўлимлари юборилади. Улар шикастланган жойни, вақтни, қўлланилган қурол турини (ёки заҳарли моддалар – КТЗМ), заҳарланган ҳудуд ўлчамини ва уни тарқалиш йўлини аниқлаб берадилар.

Мана шуларга асосланиб шу объект фуқаро муҳофазаси бошлиғи қарор қабул қилиб, ўзи қутқарув омилларини ҳамда кимёвий зарарланишни тўсиш омилларини ташкил этади. Бундай ҳолатларда қутқарув ишларига биринчи навбатда санитар дружиначилари, умумий отряд, зарарсизлантириш гуруҳлари ва механизация тузилмалари жалб этилади.

Бунда ҳар бир тузилмалар аниқ вазифа ва техникалар, жиҳозлар билан таъминланади. Чунончи:

- Санитар ва қутқарув тузилмаларига иш жойларини, транспорт воситаларини, зарарланган одамларни ўчоқдан олиб чиқиш, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва эвакуацияни ташкил этиш вазифалари;

- Радиацияга қарши (РҚ) ва кимёвий ҳимоя (КТҚ) ҳамда умумий тузилмаларга қутқарув ишларининг жойи, КТЗМ сақланадиган жойлардаги аварияни тўсиш ва заҳарланган иншоотларни, атроф-муҳитни дегазация қилиш ишлари;

- Зарарсизлантириш гуруҳларига дегазация бажариладиган иш жойлари, объектлари, дегазация қилувчи эритмаларни тайёрлаш ва машиналарни тўлдириш, дегазация ишларини олиб бориш юклатилади.

Кимёвий ўчоқда қутқарув ишларини бажариши лозим бўлган вазифалар олингандан кейин ҳар бир тузилма бошлиқлари ўз қўл остидаги фуқароларни якка тартибдаги ҳимоя воситалари, антидотлар, ШКП-8 билан таъминлайдилар. Шундан кейин улар разведка, санитар дружина, РҚ ва КТҚ тузилмаларидан кейин ўз иш жойларига бориб, вазифаларини бажаришга киришадилар.

Зарарланган материалларга махсус қайта ишлов бериш

Душман томонидан қўлланилган қирғин қуроллари оқибатида инсонлар, атроф-муҳит, сув, озиқ-овқатлар, техника, транспорт воситалари ва иншоотлар радиоактив заррачалар, заҳарли моддалар ва бактериал моддалар билан зарарланиши мумкин. Шу сабабдан фуқароларни мана шу зарарланишдан сақлашда махсус ишлов бериш омиллари бажарилади. Махсус ишлов бериш омили – умумий қирғин қуроллари талафотларини йўқотиш жараёнининг асосий қисмини ташкил этиб, у қутқарув ва тиклаш ишларини олиб боришда комплекс вазифаларни ўз ичига олади.

Махсус ишлов бериш омили – тўлиқ ҳамда қисман ишлов бериш хилларига бўлинади. Тўлиқ ишлов бериш омили дейилганда қўйилган вазифаларни бажаришда ҳеч қандай ҳимоя воситаларисиз амалга ошириш, яъни хавфсиз шароит яратиш тушунилади. Қисман ишлов бериш омилларида эса қўйилган вазифаларни фақат терини ҳимояловчи воситаларсиз амалга ошириш шароити тушунилади. Махсус ишлов бериш омили – атроф-муҳитни зарарсизлантириш ҳамда фуқароларни санитар ишловдан ўтказишдан ташкил топган.

Техника ва транспорт воситаларини зарарсизлантириш автосервис ва бошқа таъмирлаш корхоналарида амалга оширилади.

Фуқароларни санитар ишловдан ўтказиш эса, ҳаммом, душхона ва бошқа махсус ювиниш жойларида амалга оширилади.

Зарарсизлантириш омилига дезактивация, дегазация ва дезинфекция жараёнлари киради.

Дезактивация дейилганда, зарарланган воситалардан (кийим-кечак, химоя воситалари, сув, техника, транспорт воситалари) ҳамда иншоотлардаги радиоактив моддалар активлигини йўқотиш тушунилади. Дезактивациянинг тўлиқ ҳамда қисман хили мавжуд бўлиб, у асосан механик ва физик-кимёвий усул билан олиб борилади. Механик усулда – радиоактив моддалар билан зарарланган сирт юзаларини артиш орқали йўқотилади. Физик-кимёвий усулда эса радиоактив моддалар турли хилдаги кимёвий модда эритмалари билан ювиш амалга оширилади. Дезактивацияда асосан сув ишлатилиб, радиоактив моддаларнинг ювилувчанлигини оширишда, сирт-актив ҳамда комплекс ҳосил қилувчи моддалар, кислота ва ишқорлар ишлатилади. Булар: СФ-2, ОП-7, ОП-10, Na_3PO_4 , трилон Б, шавел, лимон кислоталари ва унинг тузларидир.

Дегазация омили – заҳарловчи моддаларни парчалаб, зарарсиз моддалар ҳосил қилиши, ҳамда уларнинг миқдорини камайтириш ҳисобланади. Дегазация омили махсус техникалар ёрдамида амалга оширилади. Дегазация қилувчи моддаларга кимёвий моддалар кириб, улар оксидловчи хлорли бирикмалар (гипохлоритлар, хлорамин) ва ишқорий бирикмалар (NaOH , сода, аммиак, аммиакли тузлар) киради. Бу бирикмаларнинг ҳаммаси эритма ҳолида ишлатилади.

Эритувчи сифатида: сув, дихлорэтан, трихлорэтан, бензин ишлатилади. Дегазация қилувчи эритма №1,5 фоизли гексахлормеламин ёки 10 фоизли дихлорамин эритмаси иприт ва бошқа кимёвий қуролларни зарарсизлантиришда ишлатилади. Дегазация қилувчи эритма №2, 2 фоиз NaOH , 5 фоизли моноэтаноламин ва 20 фоизли аммиакли сув эритмасидан ташкил топиб, зоман типидagi заҳарловчиларни зарарсизлантиради. Терини касаллантирувчи ва асабни паллажловчи заҳарли моддаларни зарарсизлантиришда хлорли оҳак эритмаси ишлатилади.

Кимёвий қуроллар билан зарарланган атроф-муҳит кимёвий ёки механик усулда дегазация қилинади. Кимёвий усул бўйича

юқорида айтилганидек, дегазацияловчи модда эритмалари билан қайта ишланади. Механик усулда эса зарарланган жойларнинг устки қисмлари (7-8 см қалинликда) олиб ташланади ёки ўша жойнинг усти қалин сомон, тахталар билан беркитилиб ҳимоя қилинади.

Дезинфекция омили – бактерияларни йўқ қилиш мақсадида амалга оширилади. Дезинфекция омиллари турли хил кўринишда амалга оширилиб, улардан тозалаш: мақсадли, доимий ва тугалланадиган хиллари қўлланилади.

Тозалаш дезинфекция усули касаллик тарқалмасдан олдин қилинадиган дезинфекция ҳисобланади. Бунда бактерияларни ўлдирувчи воситалар қўлланилади. Доимий дезинфекцияда эпидемияга қарши омиллар ўтказилади (санитар-гигиеник ва зарарсизлантириш ишлари). Тугалланадиган дезинфекция – охирги касал касалхонага ётқизилгандан кейин ўтказилади. Буни санитария эпидемиология станцияси (СЭС) ходимлари амалга оширади. Дезинфекция – кимёвий, физик, механик ва комбинациялашган усуллар билан амалга оширилади. Кимёвий усулда – касал тарқатувчи микроблар дегазацияловчи моддалар билан йўқ қилинади. Физик усулда кийим-кечаклар, идиш товоқлар ва бошқа воситаларни, материалларни қайнатиш йўли билан дезинфекция қилиш тушунилади. Бу усул асосан ошқозон-ичак инфекцияси тарқалганда қўлланилади.

Механик усул дейилганда дегазация қилишда қўлланиладиган услублар, қоидалар (ер устидаги зарарланган қисмларни йўқотиш) тушунилади. Бунда зарарланган жойлар, иншоотлар, бош-пана, РСБ, транспортлар, йўллар зарарсизлантирилади.

Дезактивация ва дегазация омилларининг тозалиги дозиметрик ва кимёвий асбоблар билан, дезинфекция омиллар эса бактериологик усул орқали текширилади.

Санитар қайта ишлаш. Бу омил махсус қайта ишлов бериш усулининг асосини ташкил этиб, у фуқароларни радиоактив, захарловчи моддалар ва бактериялар туманлар билан зарарланишининг олдини олишда қўлланиладиган ҳар томонламали омиллардан ташкил топган.

Санитар қайта ишлаш, қисман ва тўлиқ турларга бўлинади. Қисман санитар қайта ишлаш – барча кийим-кечак, якка

тартибдаги ҳимоя воситалари, очик қолган териларни механик усулда тозалаш ҳисобланади.

Тўлиқ санитар қайта ишлаш — тана аъзоларини зарарсизлантирувчи усулларни қўллаш (ювиш, дезинфекция қилиш) тушунилади. Бу барча тана-аъзоларимизни, кийим-кечак, ҳимоя воситалари ва бошқаларни зарарсизлантириш мақсадида қўлланилади. Бу усул бўйича шикастланган ҳудуддан чиққан фуқаролар, ишчи-хизматчилар, тузилмалар жалб қилинади.

Тўлиқ санитар қайта ишлаш омили махсус қурилган ювиниш шаҳобчаларида амалга оширилади. Бунда фуқаролар бир томондан кириб, кийим-кечак, ҳимоя воситаларини ечиб, ювиниб, оғиз, кўз ичларини зарарсизлантириб, иккинчи томондан дозиметрик, кимевий текширувдан ўтиб, сўнгра тоза кийим-кечак кийишади ҳамда иккинчи дозиметрик кўрикдан ўтилади.

Зарарланган кийимлар, ҳимоя воситалари, махсус усуллар ёрдамида зарарсизлантирилади.

Шикастланган ҳудуддан чиқишда юқорида айтилган муолажалар юқори савияда ўтказилса зарарланиш миқёси шунча кичик ва талафотларга учрашнинг олди олинган бўлади.

Замонавий қирғин қуролларининг шикастлантирувчи заррачаларини зарарсизлантириш омиллари, якка тартибдаги ҳимоя воситаларини кийган ҳолда ва жараёни олиб бориш қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда олиб борилиши шарт.

Радиоактив заррачалар билан зарарланган уйлар ва жиҳозларни зарарсизлантиришдан олдин қуруқ ҳолда тозаланиб, кейин ҳўл латталар билан артилади. Биноларнинг ташқи тарафларини дезактивация қилишда сув босими билан ювилади. Уйларнинг ичида герметик идишларда сақланган озиқ-овқатларни дезактивация қилиш фақат идиш усти сув билан ювиб тозаланади қоғоз ва бошқа нарсаларда сақланадиган маҳсулотлар тозаланганда, олдин идиш латта билан артилади, сув билан ювиб, кейин қурилади. Устидаги қоғоз қуригандан кейин ичидаги маҳсулот тоза идишга солинади ва дозиметрик кўрикдан ўтказилади.

Герметик бўлмаган идишларда сақланган маҳсулотлар (гўшт, пишлок, маргарин, сариқ ёғ)ни дезактивация қилишда ўша маҳсулотларнинг сиртқи қаватини (3 мм.гача) кесиб ташланади. Ҳўл меваларни тозалашда эса кўп марта сув билан ювиш орқали

тозалаб, сўнгра қайнатилади. Суюқ маҳсулотларни (ёғ ва шунга ўхшаганларни) чўктириш орқали тозаланади. Сутлар қатик маҳсулотларига айлантрилади.

Сувни эса филтрлаш орқали тозалаш мумкин. Қудукдаги сувларни тозалашда, ичидаги сув бир неча марта олиб ташланади ҳамда қудук атрофидаги тупроқлар (5-10 см қалинликда) олиб ташланади.

Дезактивация қилинган ҳамма озиқ-овқат маҳсулотлари ва сув дозиметрик кўрикдан ўтказилиши шарт. Агар баъзи маҳсулотларни дезактивация қилиб бўлмаса, уларни бир жойга йиғиб, табиий зарарсизлантиришга қўйилади.

Агар юқорида айтилган маҳсулотлар заҳарли моддалар билан ёки биологик воситалар билан зарарланган бўлса, у ҳолда дегазация ва дезинфекция қилувчи моддалар (хлорли оҳак, хлорамин, формалин ва бошқа моддалар) ишлатилади.

Зарарланган жойларни зарарсизлантириш ишлари тамом бўлгандан сўнг ҳар бир фуқаро тўлиқ санитар қайта ишловдан ўтиши керак. Бу муолажа ҳаммомларда, душхоналарда ёки маҳсус ювиниш жойларида амалга оширилади. Бу жойларда зарарланган кийим-кечаклар, ҳимоя воситалари, бир жойга ечилиб, кейин ювиниладиган хонага кирилади ва совун, мочалка билан ҳамма тери устилари зарарсизлантирилади. Ювиниб бўлингандан сўнг дозиметрик кўрикдан ўтилади ва янги зарарсизлантирилган кийим-кечак кийилади, ҳамда иккинчи дозиметрик кўрикдан ўтилади. Мана шундай муолажалардан ўтган фуқаро зарарли таъсирлар талафотларига учрамайди ва унинг олди олинган бўлади.

ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ ТИББИЙ ХИЗМАТИНИНГ ТУЗИЛИШ ПРИНЦИПИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа:

1. *ФМ хизматининг куч ва воситалари.*
2. *Ихтисослашган тиббий ёрдам кўрастиш.*

Дарс мақсади: *Талабаларга биринчи ёрдам чора тадбирларга ўргатиш.*

Керакли жиҳозлар: *плакат, жгут, ШД -2*

1. ФМ тиббий хизмати тинчлик даврида соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари базасида ташкил этилади. Аҳоли кенг кўламда тиббий хизматига жалб қилинади. Шаҳар, район, область соғлиқни сақлаш органлари раҳбарлари ФМ тиббий хизматига бошчилик қилади. Улар шаҳар, район, область фуқаро муҳофааси бошлиқларига тобе бўлади. Тиббий масалалари бўйича юқори ФММХ бошлиқларидан кўрсатмалар олади. Улар ФМ тиббий хизмати штаблари орқали раҳбарлик қилади. Бу штаблар уруш шароитида аҳолини тиббий ёрдами билан таъминлаш юзасидан план тузади ва ММХ учун зарур куч ва воситаларни тайёрлаш юзасидан ишлар олиб боради.

2. Ёппасига қирғин қуролидан зарар кўрган шаҳарда шикастланган аҳолига ўз вақтида ёрдам бериш ишлари омон холган район ва область ФММХ кучларининг ўзаро кўмаги билан уюштирилади.

3. Зарар кўрган аҳолига икки босқичли ягона тиббий эвакуация системаси асосида тиббий ёрдами берилади. Биринчи босқичда зарар кўрган шаҳарда қисман сақланиб қолган касалхоналар ёки шикастланиш ўчоғида тиббий пунктлари ташкил этилади.

Тиббий эвакуацияси системасининг иккинчи босқичида зарар кўрган шаҳар ташқарисидаги зоналарда махсус касалхоналар очилади. Тиббий эвакуацияси системасининг биринчи босқичида шикастланган одамларга биринчи тиббий ёрдам ва дастлабки врач ёрдами кўрсатиш ишлари уюштирилади.

Иккинчи босқичда эса шикастланганлар ихтисослаштирилган тиббий ёрдам билан таъминланади.

ФМ ТИББИЙ ХИЗМАТИНИНГ КУЧ ВА ВОСИТАЛАРИ

Шикастланган аҳолига тиббий ёрдам бериш учун ФМ тиббий хизмати тинчлик даврида қатор куч ва воситаларни тайёрлаб қўяди. Улар санитар дружиналари (СД), санитар дружиналари отряди (СДО – ОСД), биринчи тиббий ёрдам отряди (БМЕО–ОПМ), ихтисослаштирилган тиббий ёрдам бригадаси (ИМЕБ–БСМП) ва отряди (ИМЕО–ОСМП), эпидемияга қарши кўчма отряд (ЭККО–ППЭО), эпидемияга қарши ихтисослаштирилган (ЭКИБ–СПЭБ) бригадалардан иборат бўлади. Санитар дружинаси, санитар дружиналари отряди завод, фабрика, муассаса, қишлоқ хўжалик корхоналари, мактаб, махсус ўрта ўқув юртларида Қизил Ярим Ой жамиятининг бошлангич ташкилотлари томонидан тайёрланади.

Санитар дружинаси 24 кишидан: дружина командири, сиёсий раҳбар (политрук), алоқачи-хўжалик мудир, шофёр ҳамда беш звенога бўлинган 20 та санитар дружиначиларидан иборат бўлади. Ҳар бир звено 4 кишидан иборат бўлади, улардан бири звено командири ҳисобланади. Катта завод ва объектларда тузилган 4 та ёки 5 та санитар дружиналари бирлаштирилиб, санитар дружиналари отряди ташкил этилади. Санитар дружиналари отрядига командир, сиёсий қисм бўйича ёрдамчи, 3 та алоқачи ва радист тайинланади. Санитар дружиначилари махсус программа бўйича тайёргарликдан ўтади, шикастланган одамларга биринчи тиббий ёрдами кўрсатиш ва уларни даволаш усулларини ўрганади. Уларни ўқитиш учун санитар дружинаси биркитилган касалхонадан врач, унга ёрдамчи сифатида фельдшер ёки ҳамшира тайинланади.

Тинчлик даврида санитар дружиначилари саноат корхоналарида, қишлоқ хўжалик корхоналарида, ўқув юртларида, шунингдек, табиий офат рўй берганда шикастланганларга биринчи тиббий ёрдами берадилар; тиббий ходимлар раҳбарлигида аҳоли ўртасида санитария-профилактика ва соғломлаштириш тадбирларини амалга оширишда катнашадилар.

Ёппасига шикастланиш ўчоғида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва дружиначиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида санитар-дружиначилари махсус табелъ бўйича тиббий мулки ва бошқалар билан таъминланади. Бунда қуйидагилар: берет (қалпоқ), ип газламадан тикилган комбинезон, филтрли ҳимоя кийимлари, резинка этик ва кўлқоплар, енгга тақиш учун Қизил Ярим Ой жамияти белгиси, шахсий аптечка, химиявий захарловчи моддаларга қарши шахсий пакет противогаз, сув солиш учун фляга бўлиши керак. Ҳар бир санитар звеносида битта санитар замбили, 4 та замбил лямкалари, иккита чўнтак электр фонарь, битта запас противогаз (шикастланган одам учун) бўлиши шарт. Булардан ташқари, санитар дружинасида кимёвий моддаларга қарши воситалар солинган сумка ва шахсий дозиметрлар комплекти бўлиши лозим.

Санитар сумкада: 1) стерилланган 10 смX5 м катталикдаги дока-бинт (10 дона); 2) стерилланган 14 смX7 м катталикдаги дока-бинт (5 дона); 3) компресс учун 100 гдан ажратилган пахта (бир пачка); 4) оғиздан-оғизга усули билан сунъий нафас олдириш учун 5 симон резина най; 5) косинка (2 дона); 6) лейкопластирь; 7) шахсий боғлам пакети (3 дона); 8) стерилланган кичик боғлам (2 дона); 9) стерилланган катта боғлам (2 дона); 10) 0,5 гдан амилнитрит (10 ампула). Бу бронхлар спазмасини йўқотадиган восита ва умумий захарловчи моддаларга қарши антидотдир; 11) блокнот; 12) тўзнагич (10 дона); 13) қалам; 14) тасмали резина жгут (2 дона); 15) 5% йоднинг спиртдаги эритмаси (1 мл дан 10 ампула ёки полиэтилен қопқоқли идишда); 16) кайчи; 17) пичоқ-пакки; 18) нашатир спирт (1 мл дан 10 ампула); 19) бир марта инъекция қилиш учун шприц-тубиклар (5 дона) бўлади. Уруш ўчоғида яна кўшимча қилиб, антидотлар, шприц-тубикда оғриқ колдирадиган дорилар, радиоактив моддалардан ҳимоя ҳиладиган препаратлар берилади. Санитар сумкадаги боғлам материаллари ва бошқалар шикастланган 10–12 та одамга етади.

**Аҳоли ўртасида ёппасига шикастланиш рўй берганда
санитар-дружиналарнинг асосий вазифалари
қуйидагилардан:**

- шикастланганларни қидириб тониш ва уларга биринчи тиббий ёрдами беришдан;
- бошқалар берган ёрдамни текшириб кўриш ва хатосини тузатишдан;
- шикастланганларни ўчокдан беҳатар жойга олиб чиқишдан;
- бактериял зарарланиш ўчоғида тиббий ходимлари раҳбарлигида эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширишдан;
- БМЁ, ЭКС; ИМЁ отрядларида (ОПМ, ППЭО, ОСМП) ва ГМ тиббий хизматининг зарар кўрган шаҳар ташқарисидаги касалхоналарида ишлашдан иборат.

Биринчи тиббий ёрдам отряди (ОПМ) –ФМ тиббий хизматнинг асосий тузилмаларидан ҳисобланади. У ёппасига зарарланиш ўчокларида шикастланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланади. ОПМ тинчлик даврида мавжуд касалхоналар, поликлиникалар, диспансерлар каби даволаш-профилактика муассасалари базасида тузилади. Унинг составида намунали штат бўйича қуйидаги бўлимлар: бошқарма, қабул-саралаш, операция ва яра боғлаш, госпиталь (даволаш), эвакуация қилиш, қисман санитария обработка қилинадиган тиббий мулки таъминоти ва хўжалик бўлимлари бўлади. Отрядга врач раҳбарлик қилади. Отряд бошқармасида яна ОПМ бошлиғининг сиёсий қисм санитар-дружиноси ишлари) бўйича ўринбосар (фельдшер ёки ҳамшира), радист, алоқачи (мотоциклда) ва енгил машина ҳайдовчи шофёр бўлади. Қабул-саралаш бўлимида врачлардан ташқари фельдшер, 2 та ҳамшира ва 2 та рўйхатчи бўлиши керак. Операция ва яра боғлаш бўлимида бош операцион ҳамшира, яра боғловчи бош ҳамшира, 3 та яра боғловчи ҳамшира, 2 та рўйхатчи, 11 та ҳамшира ва 8 та санитар; госпиталь (даволаш) бўлимида фельдшер, 3 та ҳамшира бўлиши лозим. Қабул-саралаш бўлими ва госпиталь (даволаш) бўлимларига биттадан санитар-дружиналари бириктирилади.

Эвакуация қилиш ва қисман санитар ишлов бериш бўлимига фельдшер ёки ҳамшира раҳбарлик қилади.

ОПМ табелга мувофиқ тиббий мўлки, хўжалик рўзғори, радиостанция, кўчма электростанция ва автотранспорт воситалари билан таъминланади.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ ЁРДАМ БРИГАДАСИ (БСМП) ЁҚИ ОТРЯДИ (ОСМП)

Одамларнинг турли-туман шикастланишига қараб махсус тиббий ёрдамини таъминлаш учун ихтисослаштирилган тиббий ёрдами бригадалари (БСМП) ташкил этилади. Бу бригадалар тинчлик даврида мавжуд тиббий институтлари: врачлар малакасини ошириш институти шифохоналари базасида тузилади. Бригада составида: 2 та мутахассис врач ва 2 та ўрта тиббий ходими, бўлади. Ҳар бир БСМП ўз таркибидаги врачларнинг ихтисосига қараб, қуйидаги ихтисосларга бўлинади: умумхирургия (УХ), нейрохирургия (НХ), травмотология (ТР), торако-абдоминал (ТА), куйганларга ердам (КБ), гинекология (Г), терапия (Т), урология (У), кулоқ, бурун, томоқ касалликлари (ЛОР), жағ ва юз шикастланганда ёрдам (ЖЮ), қон куйиш (ҚҚ), рентгенология (Р), радиология (Ра), юқумли касалликлар (Ю), психо-неврология (ПН) бригадалари. Битта касалхона базасида тузилган бир нечта БСМП дан ОСМП отряди ташкил этилади.

Ҳар бир БСМП махсус табель бўйича ўз ихтисосига кўра, зарур тиббий асбоблари ҳамда енгил автомашина билан таъминланади. ЕСМП зарар кўрган шаҳар ташқарисидаги зоналарда очилган касалхоналарга етказилган беморларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини уюштиради.

ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ КУЧМА ОТРЯД (ППЭО)

Ёппасига шикастланиш ўчоғида санитария-гигиена ва эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг уюштириш ва амалга ошириш мақсадида эпидемияга қарши кўчма отрядлар (ППЭО) ташкил этилади.

Эпидемияга қарши кўчма отряднинг вазифалари қуйидагилардан:

– Уруш даврида бактериология разведкаси ишларини уюштиришдан;

– озиқ-овқат, сув, иншоот, транспорт, идиш-товоқ, мебель ва бошқа анжомлардан олинган намуналардан радиоактив моддалар, кимёвий заҳарли моддалар ва юқумли касаллик қўзғатувчи микроблар бор ёки йўқлигини аниқлашни ташкил этишдан;

– одамлар тўпланадиган жойларда: сув манбалари, озиқ-овқат ва умумий овқатланиш корхоналарида санитария назорати олиб боришдан;

– юқумли касалликлар билан оғриган беморларни ўз вақтида аниқлаш, уларни алоҳида ётқизиш ва касалхонага жўнатишдан;

– профилактик эмлаш ишларини уюштиришдан;

– ёппасига шикастланиш ўчоғида территорияни тозалаш ва зарарсизлантириш ишлари устидан назорат ўрнатишдан;

– аҳолини санитария обработкасидан ўтказиш ва дезинфекция тадбирларини уюштиришдан иборат.

ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БРИГАДА (СПЭБ)

Жуда хавфли (вабо, тоун, чечак каби) юқумли касалликлар тарқалаётган ўчоқларда уларга қарши махсус тадбирлар амалга ошириш мақсадида ана шундай бригадалар ташкил этилади. Бу бригадалар ўта хавфли юқумли касалликларга қарши илмий-текшириш институтлари ва станциялари базасида тузилади.

Ихтисослаштирилган бригадалар таркибида юқори малакали мутахассис врачлар, ўрта тиббий ходимлардан иборат лаборантлар, санитарлар ва шофёрлар бўлади. Бу бригадалар махсус лаборатория асбоблари ва бошқа тиббий жиҳозлари ҳамда транспорт воситалари билан таъминланади.

БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ КўРСАТИШ ИШЛАРИНИ УЮШТИРИШ

Одамларга шикастланган жойида ёки шу ерга яқин жойда ёрдам кўрсатиш *биринчи тиббий ёрдами* дейилади. Бунда бинт,

индивидуал яра боғлаш пакети (ИПП), косинка, пахта, жгут, шина, оғриқ, қолдирувчи препаратлар, захарли моддаларга қарши индивидуал пакет ва бошқалардан фойдаланилади. Уз вақтида ва тўғри биринчи тиббий ёрдам бериш шарт. Нотўғри ва кечиктириб ёрдам бериш дарднинг зўрайиб кетишига, соғайишнинг чўзилиб кетишига сабаб бўлади. Ёппасига шикастланиш ўчоғида биринчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг аҳамияти айниқса катта. Ядро, химия қуроллари қўлланилган ўчоқларда бир вақтда жуда кўп одам шикастланиб, тиббий ёрдамга муҳтож бўлиб қолиши мумкин. Бундай вазиятда биринчи тиббий ёрдами бериш ишларини уюштириш вазифаси санитар-дружиначиларга юклатилади. Улар фуқаро муҳофаазининг қутқариш командалари билан бирга иш олиб боради. Ёппасига шикастланиш ўчоғида санитар-дружиначиларнинг ишига ОПМ бошлиғининг оммавий тузилмалар бўйича ёрдамчиси (фельдшер ёки ҳамшира) раҳбарлик қилади. Шикастланган одамлар кўп бўлганда, биринчи ёрдам кўрсатишга ГМ қутқариш ишлари тузилмаларининг шахсий состави ва омон қолган одамлар ҳам жалб этилади. Қутқариш командаси, ёнғинга қарши команда аъзолари шикастланган одамларни қулаган ёки ёнаётган бинолардан, ертўла, пана жойлардан олиб чиқади. Санитар-дружиначилари эса уларга дарҳол биринчи тиббий ёрдам беради.

Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қон оқишини вақтинча тўхтатиш, боғлам қўйиш, суяк синганда иммобилизация қилиш, оғриқ қолдирувчи дори бериш, сунъий нафас олдириш, беморнинг ёниб турган кийимини ўчиришдан иборат бўлади ва ҳоказо. Иммобилизация учун стандарт шина бўлмаганда қўлда бор нарсалардан: таёқ, ҳасса, бир парча фанер, линейка, зонтик, қамиш ва бошқалардан фойдаланиш керак. Шикастланган одамнинг аҳволига қараб тегишли чора-тадбир кўрилади. Ёрдам олган беморларни қутқариш отрядининг носилкачилари беҳатар жойда ташкил этилган транспорт воситалари пунктига олиб боради. Бу ерда биринчи тиббий ёрдами воситалари, алмаштириш учун бўш замбиллар туриши керак. Бу ерда боғламларнинг тўғри қўйилганлиги текширилади, зарур бўлса, тузатиб қўйилади, юрак ишини қувватловчи, оғриқ қолдирувчи дорилар берилади ва шокка қарши оддий тадбирлар кўрилади. Шикастланганлар иложи борица тезлик билан ОПМ га эвакуация

қилинади. Биринчи галда жгут қўйилган, аҳволи оғир беморлар ва болалар жўнатилади.

Артериясидан қон оқаётган, бўғилиш ва шок ҳолатидаги одамларга, болаларга, шунингдек, ҳаёти хавф остида қолганларга биринчи навбатда тиббий ёрдам кўрсатиш зарур.

Химиявий заҳарли моддалар қўлланган ўчоқда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва шикастланганларни эвакуация қилиш усуллари қандай заҳарли моддалар қўлланилганига қараб уюштирилиши лозим. ЗМ дан заҳарланган одамларга биринчи тиббий ёрдам бериш ҳажми қуйидаги уч асосий тадбирдан:

- а) одамни заҳарли моддалар таъсиридан ҳимоя қилиш;
- б) шикастланган одамга антидот (зиддизаҳар) юбориш;
- в) шикастланганларни тезлик билан заҳарланган территориядан олиб чиқишдан иборат бўлади. Учоқда шахсий ҳимоя воситаларини қўллаган ҳолда иш олиб борилади. Иш тамом бўлгандан кейин шикастланганлар санитария обработкасидан ўтказилади, ҳимоя воситалари ва кийим-кечаги дегазация қилинади.

Радиоактив моддалар (РМ) тушган жойларда шикастланганларга кўрсатиладиган биринчи тиббий ёрдам ҳам юқорида айтиб ўтилгани каби бўлади. Радиация даражаси 50 р/с дан паст бўлганда шикастланганларга шу ернинг узида биринчи тиббий ёрдам кўрсатилади.

Қутқарув ва бирламчи тиклов ишларининг ташкилий асослари

Ядровий, кимёвий, биологик ва комбинациялашган шикастланган ўчоқларда қутқарув ва тиклаш ишларини (ҚБТИ) амалга ошириш жуда мураккаб аҳволда рўй беради.

Шикастланган ўчоқларда ҚБТИни олиб боришдан мақсад, фўқароларни қутқариш ва зарарланган одамларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш, қутқарув ишларини амалга оширишда ҳалақит берадиган аварияларни тўсиш, шикастланган жойларни тик-лаш ишларини амалга оширишда шароитни яратиш ва бошқа ва-зифаларини бажариш кўзда тутилади.

Умумий қирғин қуроллари қўлланилганда қуйидаги қутқарув ишлари бажарилади:

- Объектлар томон тизимларнинг ҳаракатланиш йўллариини разведка қилиш;
- Шикастланган объектларга ҳаракат қилишда ёнғинларни ўчириш ва тўсиш;
- Заҳарланган, ёнғинли, газга тўлган, сув босган жойларда ва ер остида қолган одамларни топиш ва қутқариш;
- Шикастланган, бузилган ва заҳарланган химоя иншоотларидаги фуқароларни қутқариш;
- Ҳаво алмаштиргичи бузилган, шикастланган химоя иншоотларига ҳавони етказиб бериш;
- Шикастланган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни даволаш шаҳобчаларига элтиб қўйиш;
- Хавфли ҳудуддаги фуқароларни хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилиш;
- Одамларни санитар қайта ишловдан ўтказиш, уй ҳайвонларига ветеринар қайта ишлов бериш, техника, кийим-кечак, озиқ-овқат, хом ашё, сув ва емҳашакларни дезактивация ва дегазация қилиш.

Бошқа бирламчи тиклов ишларига қуйидагилар киради:

- шикастланган ҳудудлардаги (заҳарланган, йиқилган, бузилган иншоотлар) йўлларни тозалаш;
- қутқарув ишларини олиб боришда газли, электрли, сувли, канализация ва технологик тизимлардаги аварияларни тўсиш ишлари;
- шикастланган иншоотларни бузиш ёки уни мустаҳкамлаш;
- алоқа ва коммунал-энергетик тармоқлардаги фалокатларни тузатиш ватиклаш ишлари;
- турли хилдаги портловчи қисмларни, портловчи аслаҳаларни топиш, зарарсизлантириш ва йўқотиш ишлари.

ҚБТИ ишлари куну-тун, доимий равишда, ҳар қандай табиий шароитда олиб борилади.

Аҳолини, ФВДТ куч ва воситаларини ФВ руҳида муҳофазага тайёрлаш

Фуқаролар қуйидаги тоифалар бўйича ўқитилади:

- ФМнинг раҳбар таркиблари;
- ФМ тузилмаларига кирувчи фуқаролар;
- ФМ тузилмаларига кирмайдиган фуқаролару'

Ишлаб чиқариш ва объект ФМ режасида кўрсатилган тадбирларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир тоифа шахсларини маълум дастур асосида ўқитиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳамма катта ёшдаги одамлар, жумладан, ишлаб чиқаришда иштирок этмайдиганлар ҳам фуқаролар муҳофазасини ўрганиши керак.

Янги тизимда ўқитишнинг асосий тамойиллари куйидагилардан иборат:

1. Ўқитишни ташкил этишнинг дифференция услуби;
2. Корхона ФМ бошлиғи ўз қўл остидаги ходимларини ўқитишда ФМ бўйича мустақил равишда ўтиладиган дарс мавзуларини ва дарс ўтиш тартибларини ўзи белгилаши;
3. Ўз корхонасининг хусусиятларини кўзлаган ҳолда, ишлаб чиқаришга мумкин қадар зарар бермайдиган, қисқа вақтда дарс ўтишнинг шакл ва услубларини танлаши;
4. Ўзи яшаётган жойнинг табиий, иклим шароитини ҳисобга олиб, табиий офат, авария ва фожиалар йўналишида ўқитишни ташкил этиши;
5. ФМ вазифаларини ишлаб чиқариш режалари билан биргаликда ҳал этиш ва бошқалар.

Халқни ФМга ўқитиш - ўқув юртларида, иш жойларида ва яшаш масканларида ташкил этилади. Аҳолини ФМга ўқитиш сифати тўғри қўлланган ўқитиш шакли ва услубларига боғлиқдир. Ўқитиш шакллари ўқиш жараёнининг ташкилий томонини ифодалайди. Масалан, машғулотларининг тузилишини ва уни олиб бориш жойини, вақтини, муддатини, машғулот раҳбарлари ҳамда ўқиётганларнинг иш фаолиятини, унинг малакасини, мутахассислигини назарга олиш керак. Ўқитиш шакллари куйидаги асосий гуруҳларга: синф машғулотлари, дала машғулотлари, машқлар, махсус-тактик ўқиш, командир ва штаб бошлиқларини ўқитиш ҳамда ҳар тарафлама (комплекс) ўқишларга бўлинади.

Ўргатиш усулида машғулот раҳбари ўрганувчиларнинг билим, малака ва маҳоратига суяниб, ФМ вазифаларини бажариш учун ақлий ва жисмоний шакллантиради. Аҳолини ФМси бўйича ўқитишда ҳар хил ўқув услублари қўлланилади. Чунончи:

◆ ўқув материални баён этиш (маъруза, ҳикоя, тушунтириш);

◆ кўрсатиш, намойиш этиш, ўрганувчиларга шахсан ФМ бўлинмаларининг ҳаракатларини диафилм ва кинофилмлар орқали кўрсатиш;

◆ машқдар (аҳолини кирғин қуроллар ҳамда радиоактив, кимёвий моддалар таъсирларидан ҳимоя қилиш меъёрларини амалий ўқитиш);

◆ амалий машғулот (махсус жиҳозланган хоналарда, марказларда, шаҳарчаларда, техникада, асбобларда).

Шуни назардатутиш керакки, ўқитишнинг шакл ва услублари бир-биридан ажралмаган ҳолда ўзаро диалектик узилмас алоқада бўлиши талаб этилади.

Аҳолини ФМ бўйича ўқитишда энг самара берадиган услублардан бири - бу амалий машғулотдир. У аҳоли томонидан, у ёки бу усулларни бажаришда кўникмалар ҳосил қилиш ва малакасини ошириш учун мўлжалланган ҳимоя иншоотлари ва якка тартибда сақповчи воситалардан амалий фойдаланиш, радиациявий ва кимёвий разведка асбоблари билан ишлаш, нурланиш ва радиоактив зарарланишни назорат қилиш ҳамда табиий офатлар, ишлаб чиқариш авариялари, фожаи оқибатларини тугатиш, аҳолини замонавий кирғин қуролларидан ҳимоя қилишда уларни амалий ишлашга ўргатадиган меъёрларни ишлаб чиқишдир. Машғулотлар пайтида асосий диққат-эътибор маънавий-ижтимоий ва психологик тайёрлашга, аҳолида ФМ чора тадбирлари самарасини ва унга ишонч ҳосил қилиш кераклигини, таълим-тарбия, интизом, матонат ва ўз бурчини энг мураккаб ҳамда даҳшатли шароитда ҳам бажаришга сафарбар этишга қаратилган бўлиши керак.

Республикамиз аҳолисини ФВлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш 4 гуруҳга бўлинган ҳолда амалга оширилади:

а) ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган аҳоли, идоравий бўйсунитидан, ташкилий-ҳуқуқий шаклларида қатъи назар олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларининг талаба ва ўқувчилари;

б) ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлмаган аҳоли (ногиронлар, уй бекалари, нафақахўрлар);

в) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, вазирликлар,

идоралар, мулкчилик шаклларида қатъи назар бирлашмалар, корхоналар, муассасалар ваташкилотлар мутасаддилари ҳамда ФВдан муҳофаза қилиш мутахассислари;

г) ФВлардан муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этиш ваколатига эга бўлган давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг хазматчилари, вазирликлар, идоралар, муассасалар ваташкилотлар раҳбарлари.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	
Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси.....	
Ядро қуроли.....	
Химиявий қуроллар.....	
Радиацион, химиявий ва бактериологик разведка усули ва воситалари, радиоактив заҳарланиш ва нурланишни назорат қилиш.....	
Ўзбекистонда кузатиладиган табиий офатлар ва уларнинг оқибатлари.....	
Фуқароларни ҳимоя иншоотларида муҳофаза қилиш.....	
Фуқаро муҳофазаси тиббий хизматининг тузилиш принципи ва вазифалари.....	
Фм тиббий хизматининг куч ва воситалари.....	
Ихтисослаштирилган тиббий ёрдам бригадаси (БСМП) ёки отряди (ОСМП).....	
Эпидемияга қарши кучма отряд (ППЭО).....	
Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини уюштириш.....	

**ҚОРИЕВА Х.И., МАЛИКОВА Р.Р., УРИНОВА М.,
ОМОНОВА Г.Р.**

ФАВҚУЛОТДА ВАЗИЯТДА ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ

(услубий қўлланма)

Муҳаррир: *Қулаҳмедов Э.*

Мусахҳих: *Рўзибоев М.*

Тех.муҳаррир: *Арнст О.*

_____._____.2007 йилда босишга рухсат этилди.
№ _____ буюртма _____ босма табоъ,
қажми 60x84 1,16. Адади 100 нусха

**СамДУ босмахонасида чоп этилди.
703004, Самаръанд ш., Университет хиёбони, 15.**